O‘zbekiston Respublikasi
Ichki ishlar vazirligi nashri

Vatanga va xalqqa sadoqat bilan xizmat qilish – oliy burchimiz!

Postda
На посту

2022-yil
29-sentabr
payshanba

№ 39 (4577)

Gazeta 1930-yil 12-maydan chiqa boshlagan / Web-site: www.postda.uz / E-mail: info@postda.uz

ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ – ТАНЛОВ ҒОЛИБИ

Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусиқали театрида Республика Маънавият ва маърифат маркази томонидан ўтказилган маънавий-маърифий соҳадаги «Энг намунали туман ва шаҳар» ҳамда «Энг намунали вазирлик ва идора» танловлари ғолибларини тантанали тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

«Энг намунали туман ва шаҳар» танловида маънавий-маърифий ишларни тизимли йўлга қўйган, бу борада юқори самарадорликка эришган ҳамда ўз ҳудудида ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаган 14 та туман ва шаҳар, «Энг намунали вазирлик ва идора» танловида эса 21 та вазирлик ва идора иштирок этди.

2



Эътироф

ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ – ТАНЛОВ ҒОЛИБИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси шўъба мудири Абдухалил Маврулов ҳамда Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари, сенатор Минҳожиддин Мирзолар очиб, Президентимизнинг 2021 йил 26 мартдаги «Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида иккинчи марта ташкил этилаётган танловдан кўзланган асосий мақсад мамлакатимизда маънавий-маърифий ишлар натижадорлигини ошириш ва соҳадаги илғор тажрибаларни кенг оммалаштириш орқали бу борадаги фаолиятни янги босқичга кўтариш ҳамда ижтимоий-маънавий муҳитнинг соғломлиги ва барқарорлигини таъминлашдан иборат эканлигини таъкидлашди.



Дастлаб **«Энг намунали туман ва шаҳар»** танлови ғолиблари тақдирланди. Бунда 5 та ўрин соҳибларига пул мукофоти ва китоблар жамланмаси топширилди. Маънавий-маърифий ишларни тизимли йўлга қўйган ва энг намунали деб топилган Наманган вилоятининг Янгиқўрғон тумани 1-ўринга лойиқ деб топилиб, Президентимиз совғаси – «Дамас» автомобили, I даражали диплом ва 15 миллион сўмлик китоблар тўплами топширилди.



«Энг намунали вазирлик ва идора» танлови совриндорларини тақдирлаш маросимида дастлаб номинациялар ғолиблари аниқланди. **«Давлат тилида иш юритиш бўйича энг намунали вазирлик-идора»** номинацияси бўйича Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, **«Энг фаол китобхон вазирлик-идора»** номинациясида Кадастр агентлиги, **«Энг фаол тарғиботчи вазирлик-идора»** номинацияси бўйича Маданият вазирлиги, **«Энг яхши вазирлик-идора сайти»** номинацияси бўйича Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, **«ОАВ ва ижтимоий тармоқларда энг фаол вазирлик-идора»** номинациясида Мактабгача таълим вазирлиги ғолибликни қўлга киритди.

«Энг намунали вазирлик ва идора» танлови совриндорлари Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (5-ўрин), Давлат солиқ қўмитаси (4-ўрин), «Ўзкимёсаноат» акциядорлик жамияти ва Ўзбекистон Миллий гвардияси (3-ўрин), Мудофаа вазирлиги (2-ўрин)га пул мукофотлари ва китоблар тўплами топширилди.

1-ўрин соҳибини эълон қилишдан олдин «Ички ишлар органларида маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш концепцияси»га мувофиқ, «2022 йил давомида Ички ишлар вазирлиги тизимида амалга ошириладиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги йўл харитаси асосида олиб борилган ишлар юзасидан тайёрланган видеоролик намойиш этилди.

Сўнгра **«Энг намунали вазирлик ва идора»** танловида 92,5 балл билан Ички ишлар вазирлиги 1-ўринни эгаллагани эълон қилинди. Саҳнага Ички ишлар вазири ўринбосари, генерал-майор Азизбек Икрамов ҳамда ИИВ Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш департаменти бошлиғининг ўринбосари, полковник Ҳамза Махсумов таклиф этилди. Ғолибларга бош мукофот – Президент совғаси «Дамас» автомашинаси ҳамда 15 миллион сўмлик китоблар тўплами тантанали равишда топширилди.

– Бу натижага эришиш йўлида вазирлик ва унинг қуйи тизимларида қатор маънавий-маърифий ишлар амалга оширилди. Ўтган бир йил давомида ватанпарварлик бурчаклари янгидан ташкил этилди. Ходимларимизнинг китобга бўлган қизиқишларини янада ошириш юзасидан турли танловлар ва китоб ярмаркалари ташкил этилди. Маънавий-маърифий ишларни янада жадаллаштириш учун 8 дан ортиқ вазирлик ва идоралар билан ҳамкорлик меморандумлари имзоланди. Бу ютуқ келгусидаги хизмат фаолиятимизда кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшади, – дейди ИИВ Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш департаменти Маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш бошқармаси бошлиғи, подполковник Авазбек Иномов. – Бироқ эришган муваффақиятларимиздан эсанкираб қолмасдан, мақсадни каттароқ қўйиб, маънавий-маърифий йўналишдаги ишларни бундан-да таъсирчанроқ тарзда олиб борсак, осойишталик посбонларининг билим ва салоҳиятини юксалтиришга янада жиддий эътибор қаратсак, ўйлаймизки, бу борадаги ютуқларимиз албатта бардавом бўлади.

Сарвар СОБИРОВ,
«Postda» мухбири.
Абу КЕНЖАЕВ олган суратлар.



Юксак мукофот соҳиблари

КАСБИНИ ЭЪЗОЗЛАГАН КАМ БЎЛМАС



…Ҳарбий хизматдан қайтган Ойбек синов имтиҳонларидан муваффақиятли ўтиб, вилоят ИИБ ҳузуридаги Қўриқлаш бошқармаси алоҳида милиция батальонига хизматга қабул қилинди. Мураббийи – катта сержант Умид Собировнинг ўгитларига амал қилди. Соҳавий хизматга оид адабиётларни қунт билан ўқиди. Асосийси, қўриққа олинган масканларни ишончли муҳофаза қилиш билан бирга, майда ташмачиликка қарши курашишда ҳамкасбларига ўрнак бўлди.



Қаҳрамонимиз 6 йил қўриқлаш батальонида самарали хизмат қилди. Шундан сўнг етарли тажрибага эга бўлган сафдор Ойбек Қиличев вилоят ИИБ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ЙПХ инспектори лавозимига ўтказилди. У бу вазифада ҳам масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда, сидқидилдан хизмат қила бошлади.

– Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ходимдан ҳушёрликни, ҳар қандай мураккаб вазиятда аниқ ва тўғри қарор қабул қилишни талаб этади, – дейди сафдор Ойбек Қиличев. – Хизмат фаолиятим давомида айнан шу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиб, ҳайдовчилар билан хушмуомала бўлишга, қоидабузарлигини босиқлик билан тушунтиришга ҳаракат қилдим. Айни пайтда ҳам шу талаблар асосида хизмат фаолиятимни давом эттиряпман.

Фидойилиги, касбига бўлган садоқати билан ҳамкасбларига ўрнак бўлиб келаётган ходим вилоят ҳудудида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш бўйича ўтказилаётган тадбирларда фаол қатнашмоқда. Жорий йил ҳисоби бўйича у 2448 та қоидабузарликни аниқлашга муваффақ бўлди. Шундан 31 таси маст ҳолатда транспорт воситасини бошқариш, 179 таси тезликни ошириш, 37 таси светофорнинг қизил чироғида ҳаракатланиш билан боғлиқ қоидабузарликлардир.

Сафдор Ойбек Қиличев, шунингдек, йўлларда ҳаракатланиш маданиятини ошириш мақсадида ўзига бириктирилган корхона ва ташкилотлар, таълим муассасалари, жамоат жойларида 172 марта тарғибот тадбирлари ўтказди. Бундан ташқари, «Қидирув» тадбирида ҳам фаол иштирок этиб, қидирув эълон қилинган иккита автомашинани видеокузатув мосламалари орқали аниқлаб, уларни ушлаш чораларини кўрди.

Лавҳамиз қаҳрамони тажрибали мураббий сифатида ёш ходимларнинг касбий кўникмаси ҳамда билим савиясини оширишга ҳам алоҳида эътибор бермоқда. Тажрибали устоз тарбиясини олган сафдорлар Равшан Ибодуллаев, Ёқуббой Комилов, Жамшид Асметов, Валижон Давлатёров сингари ходимлар хизмат фаолияти давомида юқори натижаларга эришмоқда.

Касбини эъзозлаган кам бўлмайди. Жамоат хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишдаги фаол иштироки учун сафдор Ойбек Қиличев мамлакатимиз мустақиллигининг 31 йиллиги арафасида Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонига мувофиқ, «Шуҳрат» медали билан тақдирланди.

– Юртимиз ва фуқароларимиз тинчлик-осойишталиги йўлидаги камтарона хизматларим муносиб эътироф этилганидан беҳад мамнунман, – дейди лавҳамиз қаҳрамони. – Бунинг учун Президентимиз ҳамда вазирлик раҳбариятига миннатдорлик билдираман.

Худойберган ЖАББОРОВ,
«Postda» мухбири.
Хоразм вилояти.

Янги Ўзбекистон – янги ички ишлар органлари


ЗАМОНАВИЙ БИНО, МУНОСИБ ШАРОИТ

Бувайда тумани Ички ишлар бўлими 1926 йилда ташкил топган бўлиб, соҳа ходимлари дастлаб бир қаватли, мослаштирилган биноларда фаолият кўрсатган. Бўлимнинг маъмурий биноси 1980–1983 йилларда қурилган. Бино 2021 йилда капитал таъмирланиб, замонавий кўринишга келтирилди. Навбатчилик қисмидан бошлаб барча хоналар мебель жиҳозлари, компьютер техникаси ва алоқа воситалари билан тўлиқ таъминланди. Маънавият ва маърифат зали, «Ватанпарварлик бурчаги» ташкил этилиб, тарихий манбалар билан тўлдирилди.

– Яхши шароитда ишлаган ходимларнинг ишида унум, барака бўлади, – дейди туман ИИБ бошлиғининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари, подполковник Давлатжон Абдураззоқов. – Бўлим биноси капитал таъмирлангач, кайфиятимиз ҳам шунга монанд ўзгарди. Ходимларимиз янада ғайрат-шижоат билан хизмат қиляпти. Жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг



Туман ИИБ биносининг эски кўриниши.





барвақт олдини олиш борасидаги кўрсаткичларимиз ҳам яхшиланиб бормоқда.

Бошлиқ ўринбосарининг қайд этишича, айни пайтда ички ишлар органларида ўтказилаётган «Касбий тайёргарлик» ойлиги ҳам самарали ташкил этилмоқда. Ойлик доирасида ходимларнинг жисмоний-жанговар тайёргарлиги ва касбий маҳоратини оширишга қаратилган турли тадбирлар, амалий машғулотлар, спорт мусобақалари ўтказиляпти.

Абдувосит СИДИҚОВ,
«Postda» мухбири.
Фарғона вилояти.

Награжденные Родиной



ЖИЗНЬ, ДОСТОЙНАЯ УВАЖЕНИЯ

Дежурный увидел начальника РОВД, встал и отрапортовал: «Товарищ подполковник, за время моего дежурства происшествий не случилось! – затем добавил. – Поздравляю Вас с заслуженной наградой!». Искренние слова вызвали у начальника ОВД Галляаральского района подполковника Исроилжона Нурматова улыбку.

Накануне 31-й годовщины независимости страны Указом Президента Узбекистана подполковник Исроилжон Нурматов был награжден медалью «Содиқ хизматлари учун». Телефон не умолкал: сослуживцы, близкие спешили его поздравить. Больше всего рада мама. «Как гордился бы отец», – подумал подполковник, и сердце его переполнили смешанные чувства. Он вспомнил детство, дом, любящих родителей, как играл в футбол с мальчишками, подтягивался до 40 раз.

Исроилжон Нурматов родился в 1985 году в Зааминском районе Джизакской области. Он с детства мечтал защищать людей от преступников. Отучился в Академии МВД. Образованный и физически крепкий Исроилжон старался во всем быть первым, строго придерживался дисциплины и порядка.

Руководство УВД Джизакской области без колебаний приняло его на должность оперативного сотрудника межрайонного отдела уголовного розыска. Исроилжон доказал, что в нем не ошиблись, раскрыв за короткий промежуток времени несколько преступлений.

Долгие дни и бессонные ночи, проведенные в поисках и поимке правонарушителей, сформировали из Исроилжона Нурматова профессионала. Менее чем через два года службы стал старшим оперуполномоченным, затем старшим оперуполномоченным по особо важным делам.

В 2014 году 29-летнему герою очерка доверили должность первого заместителя начальника ОВД Зарбдорского района. В 2017 году назначили начальником ОВД Бахмальского района. В 2018 – начале 2022 годов он руководил ОВД Дустликского района. В настоящее время возглавляет ОВД Галляаральского района.

Исроилжон Нурматов все так же неутомим, образцово руководит личным составом. В нынешнем году, по сравнению с аналогичным периодом прошлого года, уровень преступности в районе снизился на 11 процентов.



Самоотверженный труд подполковника Исроилжона Нурматова по достоинству оценило руководство страны.

Он доказал своим примером, что жизнь, посвященная укреплению мира и спокойствия, достойна уважения.

Алижон АБДУСАТТОРОВ,
корреспондент «Postda».
Джизакская область.

Молодежь – наше будущее

ДОБРОЕ СЕРДЦЕ ДОРОЖЕ ЗОЛОТА



К сожалению, есть подростки, которые, оставшись без присмотра взрослых, теряют ориентиры, попадают под дурное влияние. Центр оказания социально-правовой помощи несовершеннолетним ГУВД г. Ташкента помогает таким детям не сбиться с правильного пути.

Младший инспектор рядовой Аллахверди Ханкишиев служит в Центре с 2019 года. Он проводит воспитательную работу с подростками, лишенными внимания и заботы.

– Дети поступают в Центр замкнутыми и молчаливыми. Со временем, когда видят, как хорошо к ним относятся сотрудники, начинают доверять, открываться, – рассказывает А. Ханкишиев.

Младший инспектор проводит с детьми занятия по самбо. Они им нравятся, особенно когда получается какой-нибудь прием. Дети ценят, когда их поддерживают. А. Ханкишиев не скупится на слова одобрения, находит путь к сердцам ребят.

Рядовой А. Ханкишиев выпускник Узбекского государственного университета физической культуры и спорта. Не раз занимал призовые места в городских турнирах по самбо. Его цель – победить в международных соревнованиях.

– Хочу видеть огонек в глазах подопечных. В спортзале дети избавляются от негативных эмоций, начинают дружить, – говорит А. Ханкишиев.

В этом году сотрудники Центра, среди которых был и рядовой А. Ханкишиев, привезли из Российской Федерации детей граждан Узбекистана, оказавшихся в трудном положении.

– Я был рад участвовать в этой благородной акции. Было волнительно видеть, как дети радуются возвращению на Родину, – делится наш собеседник.

Рядовой А. Ханкишиев гордится своей работой, прилагает все усилия к тому, чтобы помочь несовершеннолетним стать достойными членами общества.

Покиза АЛЛОБЕРГАНОВА,
студентка 4-го курса
УзГУМЯ.



ИИВ таълим муассасаларида

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

Илм-фан ва таълимнинг инновацион ривожланиши жамият интеллектуал салоҳиятининг ўсиши ва мамлакат тараққиётига хизмат қилиши исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатлиги ҳаммага аён. Бугунги дунёда глобаллашув жараёнларининг кенгайиши эса илм-фан олдига ҳам катта вазифаларни қўйиб, бу соҳага эътиборни кучайтиришни объектив заруратга айлантирмоқда.





Шу маънода, ИИВ Академиясида «Илм-фан ва таълимнинг инновацион ривожланиши: ҳозирги ҳолати ва тараққиёт тамойиллари» мавзусида бўлиб ўтган халқаро илмий-амалий конференцияни халқаро ҳамкорликнинг самараси, дейиш мумкин.

Асосий мақсади Янги Ўзбекистонда таълим тизимини янада такомиллаштириш, илғор хорижий ва миллий тажрибалар асосида илм-фанни ривожлантиришга қаратилган ишлар самарадорлигини ошириш, шунингдек, илмий асосланган таклиф ҳамда услубий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат бўлган мазкур халқаро илмий анжуманда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Ички ишлар вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар, олий таълим муассасалари, ташкилот ва идоралар вакиллари, шунингдек, бир қатор хорижий ўқув масканлари ва ИИВ Академияси профессор-ўқитувчи, илмий изланувчи ва курсантлари иштирок этди.

Анжуман аввалида ИИВ Академияси бошлиғи, полковник Р. Хатамов сўзга чиқиб, профессор-ўқитувчиларнинг илмий салоҳиятини ошириш, илмий-тадқиқот фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, изланувчиларга шарт-шароит яратиш, фаол изланувчиларни рағбатлантириш, шунингдек, таълим тизимида юзага келаётган муаммоларнинг амалий ечимларини топиш юзасидан маъруза қилди.

Конференцияда долзарб мавзулардаги ўнлаб маърузалар тингланди. Илм-фан ва таълимнинг инновацион ривожланишида мавжуд муаммо ва ечимларга қаратилган бир қатор хулосалар олиниб, таклиф ва тавсиялар билдирилди.

Даврон РАЗАКОВ,
ИИВ Академияси доценти.

Адолат тантанаси

ОРТДА ҚОЛГАН ҚОРОНҒИ КУНЛАР

Акмал уйига бир аҳволда келди. Исломжон ота ва Танзила ая дилбандининг тушкун кайфиятини кўриб хавотирга тушди. Нима гаплигини билишганда эса, нафақат уларни, балки бутун оила қўрғонини таҳлика тумани ўраб олганди.

Танзила опанинг кўзида ёш қалқди. Фарзандини маҳкам бағрига босди. Алпқомат жигарбандининг ҳидларидан тўйиб-тўйиб ҳидлади. Акмал ҳам ич-ичидан тўлиб турган бўлса-да, буни ота-онасига билдирмади. Исломжон ота ўғлини қучоғига оларкан: «Аллоҳга омонат, адолат қарор топади, албатта» дея дуо қилди.



Ўшанда 2013 йилнинг ноябрь ойи эди. Майор Акмал Холмуҳамедов ИИВ ҳузуридаги Қўриқлаш бирлашмаси қўриқлаш ва хавфсизлик техника воситаларини жорий қилиш, фойдаланишни ташкиллаштириш бўлими инспектор-муҳандиси лавозимида фаолият юритарди. Уни тўсатдан прокуратурага чақиртиришди ва Тошкент вилоятига хизмат сафарида пора олганлиги бўйича айблов қўйиб, тергов ҳаракатлари бошлаб юборилди. Ҳаммаси кўз очиб-юмгунча содир бўлди. Судга қадар 6 ой панжара ортида ўтириш, охири нима билан тугашини кутиш жуда оғир жараён. А. Холмуҳамедов қанчалик айбсизлигини исботлашга уринмасин, фойдаси бўлмади...

Хуллас, судда унга 9 йил озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланди. Орадан 1 йилу 6 ой ўтибгина амнистия акти қўлланилиб, озодликка чиқарилди. Аммо бу ўтган давр унинг шаънига қора доғ бўлиб тушганди. У ҳеч кимни кўргиси келмас, одамлар билан гаплашишни истамас эди. Фақат ота-онаси, яқинларигина унинг дардига малҳам бўла оларди.

Шундай кунларнинг бирида Президентимиз Шавкат Мирзиёев илк бор республика суд тизимидаги барча судьялар билан учрашув ўтказди. Эфирга узатилган ушбу тадбирни бевосита кузатган Исломжон ота давлатимиз раҳбарининг «Адолат бўлмоғи учун қонун устуворлиги зарур. Қонун устуворлиги бўлмаган жойда адолат ҳам бўлмайди. Виждон ва иймон сустлиги одиллик, холислик йўлидаги катта ғовдир. Бу ғов яқин-яқинларгача шарт ва зарур бўлган ҳолларда ҳам муайян шахслар устидан оқлов ҳукмларини чиқаришга монелик қилиб келди»деган гапларини эшитиб кўзларига ёш инди.

Отасининг далдаси билан Акмал Холмуҳамедов Олий судга мурожаат қилди. Аризаси жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти судида батафсил ўрганиб чиқилиб, у айбсиз деб топилди. Қилмишида жиноят таркиби бўлмаганлиги сабабли, Жиноят-процессуал кодексининг 83-моддаси 2-бандига асосан реабилитация этилиши ва жиноят ишининг унга нисбатан қисми тугатилиши, етказилган мулкий, маънавий ва бошқа зиёнларни қоплаш юзасидан ажрим чиқарилди.

Ҳақиқат қарор топди. Акмал Холмуҳамедовга етказилган моддий ва маънавий зарар тўлиқ қопланди. Хизматга қайта тиклаш бўйича қилинган мурожаати ҳам қаноатлантирилди.

Майор унвонида ишдан бўшатилган А. Холмуҳамедовга хизматга киришиши биланоқ, подполковник унвони берилди. Дастлаб у Яккасарой тумани ИИОФМБ ҲПБ ёшлар масалалари бўйича катта инспектор лавозимида фаолиятини бошлади. Ҳозирда эса Тошкент шаҳар ИИББ Касбий тайёргарлик бўлими касбий тайёргарлик гуруҳи муҳим топшириқлар бўйича инспектори лавозимида хизмат қилмоқда.

Айни пайтда Акмал Холмуҳамедовнинг хизмат фаолияти жуда қизғин. «Касбий тайёргарлик» ойлиги доирасида Тошкент шаҳар ИИББ қуйи тизимларида фаолият юритаётган шахсий таркибнинг жанговар тайёргарлигини ошириш мақсадида, ўқув машғулотларини ўтказиб келмоқда. Унинг бу саъй-ҳаракатларидан раҳбарият ҳам мамнун.

– Рутубатли кунларим ортда қолди, – дейди подполковник А. Холмуҳамедов. – Яратганга шукур, айбсизлигим исботланиб, юзим ёруғ бўлди. Ота-онам, яқинларим бағрига эсон-омон қайтиб, севган касбимда, эл-юрт тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш йўлида ҳамкасбларим қатори ўз ҳиссамни қўшиб келяпман. Бунинг учун юртимизда янги даврни ва ҳар соҳада янгича ислоҳотларни бошлаб берган Президентимиздан миннатдорман.

«Ойнинг ўн беши ёруғ, ўн беши қоронғи» деганларидек, қоронғи кунлар ўтди-кетди. Тўғри, Акмалнинг қалбида унинг жароҳатлари қолди. Бироқ ҳаёт барибир гўзал. Таскин топадиган томонлари кўп. Унга суянч бўладиган ота-онаси ва яқинлари бор. Турмуш ўртоғи Гавҳарой ҳамда фарзандлари Сарвиноз ва Солиҳа – ҳаётининг қувончи. Шунинг ўзи унинг учун катта бахт.

Сарвар СОБИРОВ,
«Postda» мухбири.
Абу КЕНЖАЕВ олган сурат.

Встреча трех поколений

ИСКРЕННИЙ РАЗГОВОР

В Хорезмском областном театре музыкальной драмы им. Огахий в Ургенче под девизом «В Новом Узбекистане достоинство человека, интересы народа – наивысшая ценность» прошла встреча трех поколений.



На мероприятие были приглашены сотрудники органов внутренних дел, ветераны сферы, учащиеся и преподаватели Хорезмского академического лицея МВД Республики Узбекистан и «Темурбеклар мактаби».

Мероприятие открыл начальник службы духовно-просветительской работы и кадрового обеспечения УВД Хорезмской области полковник Абдувохид Имяминов. Он выразил искреннюю благодарность сотрудникам и ветеранам ОВД за заслуги в деле укрепления правопорядка, ранней профилактики правонарушений и борьбы с преступностью.

Участник встречи, ветеран МВД генерал-майор в отставке Тельман Муродходжаев подчеркнул, что воспитание молодежи в духе любви к Родине и верности профессии чрезвычайно важно. Ветераны вносят достойный вклад в процесс становления мужественных, беззаветно служащих Отчизне и народу стражей порядка.

– В каждом слове ветеранов заключена мудрость, – говорит полковник в отставке Гофиржон Давлатов.– Их жизненный путь, свершения являются образцом для подражания. Такие встречи полезны для молодых сотрудников сферы.

В ходе мероприятия группе сотрудников была объявлена благодарность за самоотверженную службу, обеспечение мира в нашей стране.

Худойберган ЖАББОРОВ,
корреспондент «Postda».

Молодежь – наше будущее

РЕШЕНИЕ ВОПРОСОВ – НА КОНТРОЛЕ

Руководитель 3-го сектора города Ташкента по социально-экономическому развитию, начальник столичного ГУВД генерал-майор Азиз Ташпулатов уделяет большое внимание молодежи. Недавно в Экопарке «Сеул» состоялась очередная встреча с юношами и девушками, проживающими в Учтепинском районе.



Представители районного отдела по делам обороны, хоким, руководители секторов района, а также свыше 200 юношей и девушек собрались вместе, чтобы в духе взаимного доверия и искренности обменяться мнениями по волнующим их вопросам.

Начальник ГУВД столицы рассказал о проводимой в стране работе по поддержке молодежи, превентивных мерах, направленных на предотвращение преступлений и правонарушений.

В ходе встречи 20 молодым людям, состоящим в списках «молодежной тетради», помогли оплатить контракт за обучение в вузе, а жительнице махалли Дийдор,18-летней Рухшоне Исломовой, – получить кредит в банке. 27-летняя Сайёра Салихова, проживающая в махалле Зарафшон, вместе с другими счастливчиками получила сертификат на обучение вождению автомобиля.

В рамках мероприятия состоялся выездной суд. Вопрос о молодых людях, находящихся на учете службы пробации, рассматривался районным судом по уголовным делам. Пятеро осужденных, которые следовали ограничениям, наложенным судом, искренне сожалели о содеянном и встали на путь исправления, были досрочно освобождены от наказания. Двоих осужденных, систематически уклонявшихся от исправительных работ, приговорили к отбытию наказания в местах лишения свободы.

Были выслушаны обращения 46 молодых людей, большая часть которых касалась вопросов трудоустройства, самозанятости, занятия частным предпринимательством, приобретения жилья, поступления на службу в ОВД, выделения материальной помощи и льготных кредитов. Все обращения и их исполнение взяты на контроль начальником ГУВД города Ташкента и районным хокимом, для официальных руководителей установлен срок принятия решения по конкретным обращениям.

Аналогичные встречи проходят во всех районах города.

Азиза АГЗАМХОДЖАЕВА,
корреспондент «На посту».

1 октября – День учителей и наставников

ПО СТОПАМ ОТЦА

В системе повышения квалификации и переподготовки сотрудников ОВД подполковник Шахноза Вахабова служит 27 лет.

Профессиональный путь в органах внутренних дел она начала в 1995 году на факультете повышения квалификации Академии МВД Республики Узбекистан.

– На мой выбор повлиял пример отца – кандидата юридических наук, полковника Нигмата Вахабова, в течение многих лет плодотворно осуществлявшего научно-педагогическую деятельность в Академии, – говорит Шахноза Нигматовна. – На ФПК под руководством наставника подполковника Галины Павловны Юн проходило мое становление как специалиста. Работала начальником кабинета кафедры юридических дисциплин, преподавателем, а затем старшим преподавателем-методистом учебного отдела. Здесь прослужила вплоть до 2018 года.

С созданием в системе МВД Узбекистана самостоятельного Института повышения квалификации высокая компетентность подполковника Ш. Вахабовой стала еще более востребованной. Ее назначают на должность старшего преподавателя-методиста учебно-методического отдела образовательного учреждения.

– Вместе с коллегами выполняем задачи по управлению учебным процессом, его мониторингу, координации деятельности профессорско-преподавательского состава, всесторонне содействуем внедрению современных инновационных педагогических технологий и методов обучения, – рассказывает наша собеседница. – Институт располагает базами в Бектемирском, Мирзо-Улугбекском районах Ташкента, Алмалыке, функционирует сеть филиалов в Каракалпакстане, а также в областях республики. Это позволяет проводить дифференцированные, в том числе дистанционные и мобильные выездные



курсы для различных категорий сотрудников.

Коллеги подполковника Ш. Вахабовой отмечают, что она обладает уникальным педагогическим и организаторским опытом, которым щедро делится с молодыми преподавателями.


– Не устаю повторять: учебно-методический отдел можно назвать сердцем образовательного учреждения, – подчеркнула в завершение беседы Шахноза Нигматовна. – От ритмичности и эффективности нашей работы во многом зависит результативность всего учебного процесса.

Радик ТУМПАРОВ,
корреспондент «На посту».

Ислоҳотлар – амалда

ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

хизмат фаолияти самарадорлигининг асосий омилларидан биридир



Бугунги кунда жиноятчиликка қарши курашишни замонавий ахборот технологиялари, алоқа воситаларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада Ички ишлар вазирлиги Ахборот технологиялари, алоқа ва ахборотни ҳимоялаш бошқармаси томонидан соҳа равнақи йўлида кенг кўламли чора-тадбирлар кўрилиб, муайян ишлар олиб борилмоқда.

– Тизимда ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш борасида комплекс тадбирлар амалга оширилмоқда, – дейди бошқарма бошлиғи, полковник Файзулла Қосимов. – Бундан кўзланган асосий мақсад фуқароларга давлат хизматларидан фойдаланишда қулай шароитларни яратишдан иборат.

Ҳозирда ички ишлар органларида кундалик фаолиятга оид 47 та идоравий ахборот тизими жорий этилган. Жорий йилнинг 8 ойида мазкур тизимлардан фойдаланиб, 13 миллиондан ортиқ маълумотлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа давлат органлари ҳамда фуқароларга тақдим этилди. Бундан ташқари, ички ишлар органлари томонидан 55 дан ортиқ давлат хизматлари ҳам кўрсатилмоқда.

Кейинги вақтда фуқароларга қулайлик яратиш мақсадида аҳолига тақдим этиладиган хизматларни давлат хизматлари марказлари орқали кўрсатилишига алоҳида эътибор қаратилди. Судланганлик ҳақида маълумотнома бериш, манзил-маълумот ахборотларини тақдим этиш, ҳайдовчилик гувоҳномасини алмаштириш ва йўқолганларининг ўрнига янгисини бериш, доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиш, рўйхатдан чиқариш, вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш шулар жумласидандир.

Шунингдек, яна 29 та хизмат электрон тарзда Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали тақдим этилиши йўлга қўйилди. Масалан, хорижга чиқиш учун биометрик паспорт ёки ID картани расмийлаштириш ёки судланмаганлик тўғрисида маълумотномани олиш учун энди ички ишлар органига боришга зарурат қолмади.

Президентимизнинг 2021 йил 23 мартдаги «Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларидан фойдаланишда янада қулай шароитлар яратиш, бу борада бюрократик тўсиқларни қисқартириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонига мувофиқ, 18 турдаги маълумотларни «Электрон ҳукумат» тизими идоралараро интеграцион платформаси (arm.gov.uz) орқали қабул қилиш йўлга қўйилди. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 15 октябрдаги тегишли қарори билан ички ишлар органлари тизимига ахборот технологияларини жорий этиш концепцияси ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари дастури тасдиқланди. Шунга биноан, 2021–2023 йилларда ички ишлар органларида 12 та янги ахборот тизими ва маълумот базаси жорий этилади. Бундан ташқари, 2023 йилгача ИИВ томонидан кўрсатилаётган давлат хизматларининг 80 фоизи электрон шаклга ўтказилиши режалаштирилган. Шу билан бирга, ички ишлар органлари соҳавий хизматлари фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда фуқароларга енгиллик яратишга қаратилган қатор чоралар кўрилиши кўзда тутилган.

– Бугунги кунда ички ишлар органларидаги ситуацион марказларга кўча ва жамоат жойларига ўрнатилган бир неча минглаб видеокузатув камералари интеграция қилинган, – дейди бошқарма бошлиғининг ўринбосари, подполковник Ихтиёр Маматкаримов. – Хусусан, ИИВ Ситуацион-таҳлил марказига 1 минг 885 та видеокамера ва 16 та маълумотлар базаси интеграция қилиниб, «сунъий интеллект» ёрдамида жамоат хавфсизлиги куч-воситаларини назорат қилиш ва бошқариш имконияти яратилган.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар куч ва воситаларини бошқариш ҳамда вазиятни мониторинг қилиш учун замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ечимларидан кенг фойдаланилмоқда. Масалан, вазирликнинг Транспортда хавфсизликни таъминлаш бош бошқармаси тузилмасида Ситуацион-таҳлилий марказни ташкил этиш ишлари жорий йил февраль ойида якунланди. Ҳозирда республика миқёсида транспорт ва туризм объектларидаги жами 1 минг 948 та видеокузатув камераси ушбу марказга интеграция қилинган. Бу орқали транспорт ва туризм объектларида қидирувдаги шахс ёки автомобилларни аниқлаш, жиноят-ҳуқуқбузарлик содир этилишини реал вақт режимида қайд этиш ва назорат қилиш ягона платформа асосида амалга ошириляпти. Шунингдек, келгусида Самарқанд вилояти ҳудудида ягона ситуацион марказ яратиш орқали хавфсизликни таъминлаш ишлари олиб борилиб, бунда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда бошқа вазирлик ва идораларнинг ўзаро ҳамкорлиги марказлашган бошқарув тизими, яъни ягона платформа орқали таъминланади.

Идоралараро тезкор ахборот алмашинувини таъминлаш мақсадида «102» тизимини бошқа ахборот тизимлари билан интеграция қилиш борасида манфаатдор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда ташкилий-техник ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, Солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг рақамли геоахборот порталига интеграция қилиниб, «102» тизимининг «ИИВ геоахборот харитаси» яратилди. Ҳозирда кадастр ва чизиқли объектлар тафтишдан ўтказилмоқда. Ишлар якунига етгач, «102» қисқа рақамига мобил телефондан хабар берган шахснинг жойлашган жойини реал вақт режимида аниқлаш ва электрон харитада акс этиш имконияти пайдо бўлади.

Бошқарма ходимлари замонавий радиоалоқа воситалари имкониятларини мунтазам таҳлил қилиб, фойдаланишга татбиқ этиш устида ҳам самарали иш олиб боришмоқда. Хусусан, яқиняқингача фойдаланишда бўлган аналог турдаги радиоалоқа воситалари ўрнига рақамли радиоалоқа воситаларидан фойдаланиш йўл-патруль ва пост-патруль хизматлари ходимлари фаолиятида муваффақият гарови бўлмоқда, дейиш мумкин. Рақамли радиоалоқа воситаларининг кенг имкониятлари ходимларимизнинг кундалик хизмат фаолиятида ўз самарасини бермоқда.

Михли САФАРОВ,
«Postda» мухбири.

1 ОКТЯБРЬ – ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ

УСТОЗЛАРИМ ЎГИТИ МЕНГА КАТТА ФОЙДА БЕРДИ

– дейди Шофиркон тумани ИИБ бошлиғининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари, подполковник Камолиддин Ҳафизов

Қудратли давлат барпо қилган соҳибқирон Амир Темур бобомизни ҳам, қалам билан дунёни забт этган, назм мулкининг султони Мир Алишер Навоийни ҳам, само билан сирлашиб, юлдузлар жадвалини тузган Мирзо Улуғбекни ҳам устозу мураббийлар ўқитган, уларнинг комил инсонлар бўлиб етишишига ўз ҳиссаларини қўшишган...



Подполковник Камолиддин Ҳафизовнинг эл-юртда, жамоада ҳурмат-эътибор қозонишида устозларининг панду насиҳатлари, ўгитлари муҳим аҳамият касб этди, десак, асло янглишмаган бўламиз. Буни қарангки, бугун унинг ўзи ҳам кўплаб шогирдлар тайёрлаган тажрибали ва талабчан устозга айланди.

Камолиддин Ҳафизов ИИВ Ёнғин хавфсизлиги олий техника мактабини тугатгач, Бухоро шаҳар ИИБ ҲООБ инспектори вазифасида дастлабки иш фаолиятини бошлади. Ўзининг пухта билими, ҳар бир ишга виждонан ёндашуви, раҳбариятнинг топшириқларини сидқидилдан бажариши туфайли тез орада ҳамкасблари ўртасида обрў топди. Кўп ўтмай катта инспектор лавозимига тайинланди. Кейинчалик бўлинма бошлиғи сифатида устозларидан ўрганганларини шогирдларига ҳам ўргатишга киришди.

– Устоз ва мураббийларимдан соҳанинг ўзига хос жиҳатларини ўргандим. Айниқса, подполковниклар Дилмурод Муродов, Умид Аллоқулов, истеъфодаги майор Тоҳир Каримов, Зулмакон Тойироваларнинг йўл-йўриқлари, ўгитлари, маслаҳатлари хизмат фаолиятим давомида жуда катта фойда берди. Мен улардан бир умр миннатдорман, – дейди Камолиддин мамнуният билан.

Подполковник К. Ҳафизов устоз даражасигача эришишда анча машаққатли йўлни босиб ўтди. Юқорида номлари зикр этилган устозлари ҳамда бошқа тажрибали инсонлардан нафақат танлаган касбининг сир-синоати, баланд-пастини ўрганди, балки нозик жиҳатларига ҳам эътибор қаратди. Шу боис ҳам малакали мутахассис деган номга мушарраф бўлди.

– Хизмат фаолиятимни бошлаганимга ҳали кўп бўлмади. Аммо Камолиддин акадан кўп нарсани ўрганишга улгурдим, – дейди туман ИИБ кадрлар билан таъминлаш гуруҳи катта инспектори, лейтенант Рустам Муқумов. – У киши доимо ходимлар ва фуқаролар билан мулоқотда бўлишда ўта вазминлик муҳимлигини, шунингдек, ҳужжатларни юритишда шошма-шошарлик билан эмас, ҳар бир ҳолатга диққат билан эътибор қаратиш лозимлигини уқтирадилар. Уларнинг бу ўгитлари хизматда самарадорликка эришишимизда муҳим омил бўлмоқда.

Дарҳақиқат, лейтенант Р. Муқумов бу йил Жамоат хавфсизлиги университетини тугатиб, хизматга қабул қилинган. У ўтган ойлар давомида ўз устида изланиш, босиқлик билан иш юритиш, шахсий таркибнинг бўш вақтини мазмунли ташкиллаштириш баробарида, касбий ҳамда жисмоний тайёргарликни оширишда соғлом муҳит яратиши боис кутилган натижаларни қўлга киритмоқда.

– Шахсий таркибимизнинг асосий қисмини ёшлар ташкил қилади. Шу боис ҳам «Устоз-шогирд» анъанасини яхши йўлга қўйганмиз, – дейди подполковник Камолиддин Ҳафизов. – Биргина шу йилнинг ўзида саккиз нафар ёш ходимни ишга қабул қилдик. Уларга малакали ва тажрибали мутахассис ходимларни мураббий этиб бириктирдик. Ёшларимиз замон талабига мослашиб бораётгани бизнинг катта ютуғимиз бўляпти. Рустамжон эришаётган ютуқлар эса жамоамиз рейтингини янада оширди, десак, муболаға бўлмайди. Шу боис ҳам унинг издошлари кўпайиб боряпти.

Мухтасар қилиб айтганда, Шофиркон тумани ИИБ шахсий таркибини бир ёқадан бош чиқариб, ҳамкорлигу ҳамжиҳатликда хизмат олиб боришини таъминлаётган лавҳамиз қаҳрамонлари, яъни устозу шогирднинг келгуси фаолиятларида омад тилаб қоламиз.

Мирзоқул АҲАДОВ,
«Postda» мухбири.
Бухоро вилояти.

«УСПЕХ УЧЕНИКА – МОЙ УСПЕХ»

– «Посредственный учитель излагает. Хороший учитель объясняет. Выдающийся учитель показывает. Великий учитель вдохновляет», – сказал один из мыслителей. И у меня нет повода не согласиться с этими словами. Добавлю, что педагог указывает путь к вершинам мысли, нравственным высотам, духовному и физическому совершенствованию, – поделился мнением учитель истории Нукусского военно-академического лицея «Темурбеклар мактаби» МВД Республики Узбекистан Рашит Даулетмуратов.



В нашей стране особое внимание уделяется воспитанию молодого поколения, открываются специализированные школы. Одна из них – Нукусский военно-академический лицей «Темурбеклар мактаби». Среди педагогов, отобранных для работы в данном образовательном учреждении, был и Рашит Даулетмуратов.

– История не только изучает события прошлого, но и формирует у детей чувства патриотизма, гордости за своих предков, желание быть похожими на них. Человек, который знает свои корни, обладает сильным духом и несгибаемой волей. Исходя из этого, я разговариваю с учениками об их родословной, они начинают расспрашивать родителей, узнавать историю своего рода. Уверен, что большая история государства складывается из маленьких историй людей. Что касается моей цели – хочу, чтобы лицеисты вышли в мир образованными и умными. Достижения учеников поддерживают во мне уверенность, что я последовательно иду к поставленной цели. Считаю, что их успех – мой успех, – поделился Рашит Даулетмуратов.

Герой нашего очерка родился в 1982 году в городе Нукусе. После окончания Каракалпакского государственного университета им. Бердаха некоторое время работал учителем в школе № 28 города Нукуса, затем в лицее № 3 при Каракалпакском государственном университете. Окончив магистратуру Нукусского государственного педагогического института, занимал должность заместителя директора по воспитательной работе лицея. С 2020 года работает учителем истории в «Темурбеклар мактаби».

Свою любовь к предмету он передает ученикам, вдохновляет их на победу. Так, на втором этапе предметной олимпиады, проводимой между академическими лицеями и профессиональными колледжами Министерства высшего и среднего специального образования, в 2019–2020 учебном году его ученик, Азизулла Жаулибаев, занял 1-е место, в 2020–2021 учебном году, в 3-м этапе олимпиады Темур Жуманазаров занял 2-е место, а Жавлонбек Норкулов – 3-е место.

Кроме того, окончившие в этом году Нукусский военно-академический лицей «Темурбеклар мактаби» Мехрузбек Холмуродов, Хожиакбар Гуломов поступили в Академию МВД, Илхам Нуруллаев – в Университет общественной безопасности Республики Узбекистан, Бекмурза Муратбаев, Зиядулла Алланиязов, Мубарек Мустафаев – на факультет «Юриспруденция» Каракалпакского государственного университета.

Азамат ПИРНИЯЗОВ,
корреспондент «На посту».

1 ОКТЯБРЯ – ДЕНЬ УЧИТЕЛЕЙ И НАСТАВНИКОВ

БЛАГОДАРНЫ ЗА ЗАБОТУ И ВНИМАНИЕ

Человеку свойственно делиться опытом с теми, кто знает и умеет меньше. В органах внутренних дел это называется наставничеством и является основой профессионального становления начинающих сотрудников.

Исроилжон Мадрагимов пошел по стопам своего отца, Нуманхона, который многие годы прослужил в уголовном розыске и вышел на заслуженный отдых в звании подполковника.

Окончив в 1973 году Ташкентскую среднюю специальную школу МВД, Исроилжон Мадрагимов служил инспектором ОУР УВД, следователем следственного отделения Андижанского ГОВД. Без отрыва от службы окончил Ташкентскую высшую школу МВД, а спустя несколько лет и Академию МВД в Москве. До выхода на заслуженный отдых, в 1999 году, руководил ОБХСС в Шахрихане, Бозским РОВД, Межрегиональным управлением по борьбе с организованной преступностью и коррупцией, УУР УВД Андижанской области, таможенным управлением Наманганской области, организационным отделом УВД Андижанской области.

– Постоянно вспоминаю своих наставников, – говорит полковник в отставке Исроилжон Мадрагимов. – Ныне покойные генералы Мухтор Султанов, Гофуржон Рахимов, генерал в отставке Ботир Парпиев, полковник в отставке Вячеслав Гуртовенко передавали мне свой опыт, помогали в трудную минуту.

За годы службы полковник И. Мадрагимов воспитал ряд достойных учеников, в их числе Даврон Юсупов, Орифжон Юлдашев, Искандар Исмоилов, Тулкинжон Мирзаабдуллаев, Валижон Бутаев, Икбол Махмудов, Алишер Максудов, Насиба Абдурахмонова.

– Исроилжон ака был моим наставником, – делится председатель ветеранской организации УВД Андижанской области подполковник в отставке Даврон Юсупов. – Когда я пришел служить оперуполномоченным в отдел уголовного розыска, он отнесся ко мне как к сыну, научил секретам оперативной работы, умению находить выход из сложных ситуаций, оперативно принимать решения. Благодарен ему за заботу и внимание.



– Мне посчастливилось работать под руководством полковника Мадрагимова, – говорит советник начальника УВД подполковник в отставке Орифжон Юлдашев. – Часто приглашаем наставника в УВД на различные мероприятия. Исроилжон ака делится воспоминаниями с молодыми сотрудниками, рассказывает о людях, с которыми ему пришлось работать, призывает молодежь служить честно, верно исполнять служебный долг, быть патриотом своей страны.

Старшая дочь Исроилжона Мадрагимова, Гулноза, служит в подразделении МЧС, капитан, а сын, Дилмурод, – в отделе уголовного розыска УКД ОВД по городу Андижану, майор.

Исроилжон Мадрагимов родился 1 октября. В нынешнем году в этот день он отмечает два праздника – День учителей и наставников и свое 70-летие.

Борис КЛЕЙМАН,
корреспондент «На посту».
Фото из архива.
Андижанская область.

ТОЛЕ ЙЎЛЛАРИДА ЙЎЛДОШ МУАЛЛИМ!

Биласизми, оддийгина мактаб ўқитувчиси профессорликка даъво қилмаса-да, жамоатга шундай юқори даражага эришадиган мутахассисларни тайёрлаб беради. Чунки у чуқур билим бериш билан бирга, ўқувчини қандай руҳлантириш кераклигини ҳам жуда яхши билади ва буни аъло даражада уддалайди.

Ўқув қайда бўлса, улуғлик бўлур,
Билим қайда бўлса, буюклик бўлур.
Юсуф Хос Ҳожиб

Нурмурод Мардаев ИИВ Сурхондарё академик лицейида ўқувчиларга информатика фанидан сабоқ беради. Ташқаридан қараганда анчайин соддадил, камтар, самимий кўринган бу йигит бугун мазкур даргоҳнинг жонкуяр ходими, ўқувчиларнинг севимли устози. Нурмуроднинг бошқаларга ўхшамаган дунёси, дунёқарашию феъли бор. У ана шу ўзгача қарашлари, тутумлари билан яшайди ва буни фаолиятида ҳам қўллайди.



У дарсларни ўзи яратган технологиялар асосида ўтишга ҳаракат қилади. Биринчи навбатда боланинг диққатини жалб қилиб, кейин асосий мавзуга ўтади. Мисол учун, ҳар бир дарсни икки буюк шахснинг портрети билан таништиришдан бошлайди.

– Албатта, машҳур шахслар орасида IT вакиллари ҳам бор. Масалан, «Facebook» асосчиси деб Марк Цукербергни билишади, лекин ғоя Крис Ҳюэсники. Иккита портретни солиштириш билан ўқувчининг диққатини тўплайман ва улар ҳақида қисқача маълумот бериб ўтаман, – дейди Нурмурод Мардаев. – Ўқувчиларимга улар орасида ҳам улар каби буюк шахслар борлигини уқтираман.

Дарс жараёнида ўқувчилар билимини бир вақтнинг ўзида баҳолаш учун қаҳрамонимиз «Пликерс» номли япон технологиясидан фойдаланади. QR код ёрдамида телефонга ўрнатилган дастур берилган саволларга қайси ўқувчи қандай жавоб берганини аниқлаб, бир вақтнинг ўзида ҳаммасининг баҳосини чиқариб беради. Бу орқали ўқувчи уйга вазифага қандай тайёргарлик кўрганини билиб олиш мумкин. Муҳими, бу вақтни тежайди.

– Информатика ҳақидаги назариялар, илмий атамалар болани тез чарчатиши мумкин, – дейди қаҳрамонимиз. – Шу боис янги мавзуга ўтишдан олдин уни ҳикояга айлантириб сўзлаб беришга уринаман. Ўқувчини сал қизиқтириб олгач, асосий масалага ўтаман. Бу усул ҳар доим иш берган.

Дарсда рангли бўрдан фойдаланиш жуда самарали деб ҳисоблагани боис Нурмурод Мардаев бу йўлни ҳам ўринлатади. Унинг айтишича, рангларда гап кўп. Биринчидан, бу ўқувчининг диққатини қаратиб ва ажратиб ёзилган атамаларни эслаб қолишини осонлаштирса, иккинчидан, кўриш қобилияти пастларни аниқлаб олиш осон бўлади ва уларни олдинроққа жойлаштириш мумкин.

Нурмуроднинг орзулари кўп. У ўз йўналиши бўйича магистратурада ўқишини давом эттириб, илмий иш қилиш ниятида.

Қаҳрамонимиз уч нафар фарзанднинг отаси ва уларга кўпинча ҳаётда бор инсонларни қаҳрамон қилиб кўрсатишга ҳаракат қилади. Тарбиясига жиддий эътибор бергани ҳолда, уларни ҳар ким ўзи севган касбда роҳатланиб меҳнат қилиши ва доим илм талабида бўлиши керак, дея руҳлантиради.

Ким фикрламаса, қоронғиликда яшайди. Фикрлаш учун эса илм ўрганиш керак. Илмсизлик кишининг даражасини пастлатади, акси ҳаётимизга маъно-мазмун киришига, янги ғоялар устида бош қотиришга ундайди. Ишонамизки, доим янги илмлар талабида бўлган фидойи муаллим Нурмурод Мардаевнинг сабоқлари янги иқтидорларни кашф этишга хизмат қилаверади.

Феруза РАҲМОНҚУЛОВА,
«Postda» мухбири.
Сурхондарё вилояти.

Ma’naviyat va ma’rifat darsi

HAYDAR YAHYOYEV – SALOHIYATLI RAHBAR VA SEVIMLI SHOIR

Biryo‘la ham rahbarlik salohiyati, ham badiiy iqtidor hammaga ham nasib etavermaydi. Haydar Yahyoyev ana shunday tole nasib etgan insonlardan biri edi.



1927 yilning 9 yanvarida Samarqand shahrida, kosib oilasida tavallud topgan. H. Yahyoyevning o‘smirlik davri Ikkinchi jahon urushi yillariga to‘g‘ri keldi. 1945-yildan 1964-yilgacha huquq-tartibot idoralarida turli lavozimlarda faoliyat ko‘rsatdi. U 1964-yil 11-martda respublika Jamoat tartibini saqlash vaziri etib tayinlanadi. 1968-yilda esa ushbu vazirlik Ichki ishlar vazirligiga aylantiriladi.

Haydar Yahyoyev Ichki ishlar vazirligiga 15 yil mobaynida rahbarlik qiladi.



Uning boshchiligida ichki ishlar idoralarining faoliyati takomillashtiriladi. Xususan, profilaktika xizmatida ijobiy o‘zgarishlar amalga oshirilaadi. Jazoni ijro etish muassasalarining ahvoli har tomonlama yaxshilanadi. 1966-yilgi Toshkent zilzilasi oqibatlarini bartaraf etishda, tabiiy ofat chog‘ida aholiga yordam ko‘rsatishda soha xodimlari faol ishtirok etishadi.

Ayniqsa, Haydar Yahyoyev rahbarligida tizimda amalga oshirilgan bunyodkorlik ishlariga alohida to‘xtalish joiz. Vazirlik va hududiy ichki ishlar organlari uchun yangi binolar qurilib, foydalanishga topshiriladi. Ularning moddiy-texnika bazasi mustahkamlanadi. Katta yo‘llarda zamonaviy muntazam YPX maskanlari barpo qilinadi.

Haydar Yahyoyevga 1973-yilda «ichki xizmat general-leytenanti» maxsus unvoni beriladi. Huquq-tartibotni mustahkamlash, jamoat tartibini saqlash va jinoyatchilikka qarshi kurashish sohalarida erishgan yutuqlari uchun bir qator orden-medallar bilan taqdirlanadi.

U yuksak salohiyatli rahbar bo‘lishidan tashqari, yuqorida qayd etganimizdek, qalbi badiiy ijodga, she’riyatga oshno inson edi. Hatto adabiyot ilmi, ijod olami sirlarini chuqurroq o‘rganish uchun Samarqand davlat univesitetining filologiya fakultetida tahsil olgan edi. U o‘z ijodida ota-onani, yor va diyorni, odamiylikni, do‘stlikni vasf qildi. Filologiya fanlari nomzodi Ravshan Jomonov «Uch ne’mat sohibi» kitobida ta’kidlaganidek, «O‘zbek adabiyotida falsafiy mazmundagi she’rlari, dilbar g‘azallari bilan ajralib turadigan shoirlardan biri Haydar Yahyoyevdir. Shoirning asarlari nihoyatda sodda, ayni paytda mushohadaga chorlovchi falsafaga boyki, xuddi qo‘shiq kabi quyilib kelaveradi. Shu boisdan bo‘lsa kerak, o‘z davrida juda ko‘p hofizlarimiz Haydar Yahyoyev she’rlari asosida ajoyib taronalar yaratishgan».



Suratda: *H.Yahyoyev E. Sheverdnadze va G. Aliyevlar bilan.*

Hozirgi keksa va katta avlod vakillari o‘z yoshligini eslaganida shoirning she’rlari asosida maromiga yetkazib ijro etilgan «O‘tgan kechalar», «Kuylar», «So‘rang», «Ul go‘zal Farg‘onadan» kabi ko‘plab qo‘shiqlarni hali ham xirgoyi qilib turishsa kerak. U o‘z ijod namunalarini jamlab, bir necha bor kitob holida ham chop ettirgan edi. «G‘azalim, senga», «Nido», «Devon», «На всю жизнь», «Tilsim» kabi to‘plamlari shular jumlasidandir.

Haydar Yahyoyev hayot bo‘lganida bu yil tabarruk 95 yoshga to‘lgan bo‘lardi. Uning yorqin xotirasi yaqinlari, shogirdlari, ichki ishlar organlari xodimlari, qolaversa, she’riyat ixlosmandlari, qo‘shiq shinavandalari yodida hamon yashamoqda.

Bobomurod TOSHEV.

KAM BO‘LMAGAY

To‘g‘ri yo‘lda yursa har kim, qomati xam bo‘lmagay,
Porlagay u siym quyoshdek, hech so‘niq sham bo‘lmagay.

Do‘stlar qalbiga boqqan har vafolik ko‘z-hayot,
Baxtiyor damlar ziyosidur, vale nam bo‘lmagay.

Ham ota, ham mehribon volidaga xizmat etish
Har yigitning istagikim, bu yigit kam bo‘lmagay.

Mehribonlar xonasida kechalar yongay chiroq,
Norasolar davrasida do‘stlar jam bo‘lmagay.

Kim baxildir, do‘stlarning baxtiga qilsa hasad,
Toza dilga bersa ozor, asli odam bo‘lmagay.

Gar «Navo» birlan «Ajam» avlodlardan bir nishon,
Bahra olsak, bu xazina to abad kam bo‘lmagay.

Ezgulik maftuni bo‘lganlar bilur kuy qadrini,
Kim g‘azal shaydosi, Yahyo, ko‘nglida g‘am bo‘lmagay.

Haydar YAHYOYEV.

HAYOT – MUALLIM

HAR AMALING O‘ZINGGA QAYTAR

Shotlandiyalik bir fermer uyiga qaytardi. Botqoqlik yonidan o‘tayotib, kimningdir yordamga chaqirayotganini eshitib qoldi. U ovoz kelgan tarafga qarab yugurdi va jonholatda botqoqlikdan chiqishga urinayotgan bolakayga ko‘zi tushdi.

Fermer daraxtdan bir shox sindirib oldi va bolaga uzatdi. Qutqarilgan bolakay ko‘z yoshlarini tiya olmas, qo‘rquvdan dir-dir titrardi.

– Seni uyga olib ketaman, o‘zingga kelib, isinib olishing kerak.

– Yo‘q-yo‘q, – boshini chayqadi bola, – uyda otam kutyapti, juda xavotir olayotgan bo‘lsa kerak.

U o‘z xaloskoriga minnatdorlik bildirib, yugurgancha ketdi.

Ertasi kuni fermerning uyi yoniga bir foytun kelib to‘xtadi va undan hashamdor kiyingan bir janob tushib:

– Kecha o‘g‘limni qutqarib qolgan sizmi? – deb so‘radi.

– Ha, men.

– Xizmatingiz uchun qancha berishim kerak?

– Meni xafa qilyapsiz. Mening o‘rnimda har kim shunday qilardi, – dedi fermer va ranjigancha teskari o‘girilib keta boshladi.

Shu on uydan bir bolakay yugurib chiqdi.

– Bu o‘g‘lingizmi? – so‘radi mehmon.

– Ha.

– U holda shunday qilaylik: men uni o‘zim bilan Londonga olib ketaman va o‘qishi uchun xarajatlarni bo‘ynimga olaman...

Oradan bir necha yil o‘tdi. Fermerning o‘g‘li maktabni, so‘ngra tibbiyot universitetini tamomladi. Tez orada u penitsillinni yaratgan inson sifatida dunyoga tanildi. Bu mana shu dorini yaratgan Aleksandr Flemming edi.

...Urush oldidan Londondagi shifoxonalardan biriga xuddi o‘sha badavlat kishining o‘g‘lini og‘ir o‘pka yallig‘lanishi bilan olib kelishdi. Sizningcha, uning hayotini nima saqlab qoldi? Albatta, Flemming kashf qilgan penitsillin.

Flemmingning ta’lim olishi uchun imkoniyat yaratgan janob – Randolf Cherchill, uning o‘g‘li esa keyinchalik Buyuk Britaniya bosh vaziri bo‘lgan Uinston Cherchill edi. Balki, Uinston o‘z xotiralarida «qilgan har bir amaling o‘zingga qaytadi» deb yozganida, aynan shu voqealarni nazarda tutgandir...

Rus tilidan Gulchehra AZIMOVA tarjimasi.

Йўл бошида

СЎКСАНГ БЕТИ ҚОТАР...



Халқимизда «Болани сўксанг бети қотар, урсанг эти қотар» деган нақл бор. Фарзандни тўғри тарбиялаш учун ота-онанинг ўзи тарбияли бўлиши лозим. Афсуски, боласининг тақдири билан қизиқмаётган, ҳатто уларга салбий маънода ибрат бўлаётган ота-оналар ҳам йўқ эмас.

Нурота тумани Оқмачит маҳалласида истиқомат қилаётган Асатулла ака рўзғор тебратиш учун нобоп йўлни танлади. Томорқасида полиз экинлари орасига гиёҳвандлик экини уруғини ҳам сепди. Ўзи етиштирган заҳри қотилни сотиш билан бирга истеъмол ҳам қила бошлади.

Ҳамма кўнгилсизликлар шундан бошланди. Уч ўғилнинг каттаси Мақсуджон отаси билан тез-тез жанжаллашадиган одат чиқарди. Унинг ҳурматини жойига қўйишини талаб қилган онаси билан ҳам тескари бўлиб қолди. Икки-уч кун мактабга келмагач, туман ИИБ ХПБ вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этиш гуруҳи катта инспектори, капитан Ойбек Арзиев инспектор-психологлар билан бирга Мақсуджоннинг уйига боришди.

Маълум бўлишича, ўсмир туман марказида ёши ўзидан катта йигитларга қўшилиб, уларнинг қаноти остига кирган экан. Ойбек Арзиев уни топиш учун барча кафе ва ошхоналарни кўздан кечирди. Иккинчи куни соат 23:00лар атрофида «Нурота» кафеси ёнида учратди. Мақсуджон уйига боришдан бош тортди. Капитан Арзиев уни яхши гапириб, хизмат хонасига олиб келди. Аммо қанча суҳбатлашмасин, ўсмир ўз фикридан қайтмади. Шу боис уни вилоят ИИБ ХПБ Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштиришга тўғри келди.

«Бирни кўриб фикр, бирни кўриб шукур қил» деганларидек, Мақсуджон бу ерда турли муаммолар гирдобида қолган болаларни кўрди. Инспектор-психологларнинг ғамхўрлиги ва фойдали машғулотларга жалб этишидан анчайин руҳланди. Бир муддат ўтгач, онасидан кечирим сўради. Ҳозир у мактабга қайтди. Ўқитувчиларининг айтишича, Мақсуджоннинг фанларни ўзлаштириши яхшиланган. Шундай бўлса-да, капитан Ойбек Арзиев у билан ҳар куни суҳбатлашиб туради.

Куннинг иккинчи ярмида эса назоратсиз қолдирилган автомашина ичидан магнитофон ва 300 минг сўм пул ўғирланганлигидан хабар топган капитан ён дафтарига жиноят вақтини қайд этиб қўйди. Кечга яқин Нодирнинг нега дарсга бормаганлигини суриштириш учун унинг уйига борганида, отаси ўғли ҳали уйга келмаганини айтди. Сабабини сўраганида, Нодирнинг инжиқликларини айтиб берди.

Инспектор шундан сўнг ўсмирнинг нариги маҳалладаги ўртоғининг уйига борди. Қараса, дарвоза олдидаги ўриндиқда икки ўртоқ уяли телефон томоша қилиб турарди. Нодирнинг қўлидаги телефонни кўриб «Машина жиҳози ва пулларни шу ўғирлаган» деган тахминга келди. Суҳбат давомида тахмини ўз исботини топди. Нодир вояга етмаганлиги сабабли жабрини ота-онаси кўрди – улар жарима тўлашга мажбур бўлишди.

Ҳа, юқоридаги каби вояга етмаганлар билан боғлиқ ҳолатлар ҳаётимизда учраб туради. Капитан Ойбек Арзиев сингари масъулиятли ходимлар туфайли ўсмирлар томонидан келгусида содир этилиши мумкин бўлган жиноятларнинг олди олинмоқда. У айнан шу мақсадда маҳалла



ва мактаб жамоалари ҳамда инспектор-психологлар билан ҳамкорликда «Давомат», «Тиғ», «Ўқувчи» профилактик тадбирларни ташкил этиб келмоқда. Ички ишлар органларида 10 йиллик тажрибага эга қаҳрамонимиз ўқувчи ёшларга худди фарзандлари каби муносабатда бўлади, ғамхўрлик қилади ва тўғри йўл-йўриқ кўрсатади.

Чўя маҳалласида истиқомат қилувчи 17 ёшли Нодирнинг отаси қишлоқ врачлик пунктида қоровул бўлиб ишлайди. Отаси маош олганида, Нодир «Ўртоқларимники сингари қимматбаҳо қўл телефони олиб берасиз», дея хархаша қилди. Отаси имконияти йўқлигини қанча тушунтирмасин, тушунишни хоҳламади.

Нодир эртасига мактабга бормади. Ойбек Арзиев ўқувчиларнинг давоматини текширганида, буни аниқлади.

Маҳлиё ХОЛОВА,
«Postda» мухбири.

Навоий вилояти.

Ўқишга тавсия этаман

ОДАМИЙЛИКНИ УЛУҒЛОВЧИ АСАР



Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов халқимизнинг севимли ва ардоқли адибларидан бири. Унинг қаламига мансуб асарлар нафақат ўзбеклар, балки қардош халқлар ва чет эл китобхонлари қалбидан ҳам жой олган.

Яқинда ёзувчининг **«Икки эшик ораси»** романини ўқиб чиқдим. Кўпчилик китобхонлар томонидан севиб мутолаа қилинадиган асар мамлакатимиз тарихидаги муҳим даврларни ўз ичига олган. Хусусан, ундан Иккинчи жаҳон урушининг бошқа халқлар қатори, ўзбек халқи бошига келтирган кулфатлари ёритилган. Асарда урушнинг инсониятга хавф туғдирувчи моҳияти, унинг мудҳиш оқибатлари ватандошларимиз сиймолари акс этган бадиий образлар – Кимсан, Робия, Шомурод, Умар, Дума чол ва Қора амма, Ориф оқсоқол тимсолида ёритиб берилган.

Роман қамрови, ўқувчи қалбига яқинлиги билан алоҳида аҳамиятга эга. Унда адиб қарийб қирқ йиллик даврни ўз ичига олган, халқининг уруш даврида бошдан кечирган ҳаёти, қисмати ҳақида маҳорат билан қалам тебратган. Замон ва давр қандай шароитда кечишидан қатъи назар, инсоний қадр-қиммат тушунчаларини сақлаб қолган, тақдирини эл-юрти, халқи, Ватани тақдири билан боғлаган, фарзандидан айрилганида ҳам, қалбига қувонч бахш этиши мумкин бўлган бошқа сабабни ўзи учун ярата олган инсонлар қисмати яққол ифодаланган.

Асар мутолаасидан сўнг беихтиёр бугунги тинч-омон ҳаётга, осойишталикка шукрона тилга келади. Асар айнан шу жиҳати билан ҳам қалбларга яқин. Роман ёшларни эзгуликка, ватанпарварликка, садоқат ва меҳр-муҳаббатга ундайди.

Ўзбек ўқувчилари орасида энг кўп ўқиладиган мазкур роман Ватанга садоқат, ишқ-муҳаббат, инсонпарварлик мавзуси билан ҳам аҳамиятлидир. Халқимизнинг севимли адиби Ўткир Ҳошимовнинг бу дурдона асари китоб жавонингиздан ўрин олишига ишонамиз.

Абдиманноб АЛЛАЯРОВ,
Қашқадарё вилояти ИИБ Ташкилий бошқармаси МТБ инспектори, подполковник.

Урок духовности и просвещения

ХАЙДАР ЯХЪЯЕВ – ТАЛАНТЛИВЫЙ РУКОВОДИТЕЛЬ И ОДАРЕННЫЙ ПОЭТ

Не каждому дано обладать одновременно организаторскими способностями, исключительными качествами руководителя и художественным талантом. Хайдар Яхъяев был одним из таких людей.



«Но где бы ни работал Х. Яхъяев, его душа озарена светом вдохновенья, он целиком предан делу, и всегда он находит время для поэзии, без которой не мыслит себя…

С юношеских лет писал он стихи, постигая тайну звучания поэтических струн. Зачарованно слушал, как звенят чистые родники под вековыми чинарами Ургута, шумит узорная листва зарафшанских садов, поет пастушья свирель, бьется влюбленное сердце…»

Хамид ГУЛЯМ,
народный писатель Узбекистана.

Родился Хайдар Яхъяев 9 января 1927 года в городе Самарканде в семье ремесленника. Его отрочество и ранняя юность совпали с годами Второй мировой войны…

С 1945 года по 1964 год он работал на различных должностях в правоохранительных органах. 11 марта 1964 года возглавил Министерство охраны общественного порядка республики, которое в 1968 году было преобразовано в Министерство внутренних дел.

Х. Яхъяев руководил министерством в течение 15 лет. В этот период была усовершенствована деятельность органов внутренних дел. В частности, положительные изменения осуществлены в профилактической службе. Улучшилось состояние учреждений по исполнению наказания. Сотрудники системы принимали непосредственное активное участие в ликвидации последствий ташкентского землетрясения 1966 года, оказании помощи людям, пострадавшим во время стихийного бедствия.






Необходимо отметить созидательную деятельность, осуществленную в системе под руководством Хайдара Яхъяева: возведены и сданы в эксплуатацию новые здания для министерства и территориальных органов внутренних дел, укреплена их материально-техническая база, у дорожных трасс построены современные стационарные посты ДПС.

В 1973 году Хайдару Яхъяеву присваивают специальное звание «генерал-лейтенант внутренней службы». За заслуги в укреплении правопорядка, эффективную организацию деятельности по охране общественного порядка и борьбе с преступностью он был награжден рядом орденов и медалей.

Помимо того, что Хайдар Яхъяев был авторитетным руководителем, он, как уже упоминалось выше, был творческой личностью. Для углубленного постижения литературы и искусства обучался на филологическом факультете Самаркандского государственного университета. В своем творчестве воспевал высокие чувства благодарности и любви к родителям, гуманизм, дружбу.

Как отметил кандидат филологических наук Равшан Жомонов в книге «Уч неъмат соҳиби» («Обладатель трех даров»), «Хайдар Яхъяев – один из поэтов, выделяющихся в узбекской литературе философскими стихами, чарующими газелями. Произведения поэта просты, но в то же время наполнены философией, ведущей к раздумьям, они звучат словно песня. Наверное, поэтому в свое время многие наши музыканты создавали удивительные песни на стихи Хайдара Яхъяева».



Представители старшего поколения, вспоминая молодость, наверняка напевают лирические песни «Ўтган кечалар», «Куйлар», «Сўранг», «Ул гўзал Фарғонадан», написанные на стихи поэта.

Хайдаром Яхъяевым были изданы несколько сборников, в том числе «Гўзалим, сенга», «Нидо», «Девон», «На всю жизнь», «Тилсим» и др.

Светлая память о Хайдаре Яхъяеве живет в сердцах близких, учеников, сотрудников органов внутренних дел, а также поклонников его творчества.

Бобомурод ТОШЕВ.

Из творческого наследия поэта

РОДИНОЙ ВДОХНОВЛЕННЫЙ

Ты дала мне вдохновенье
И перо вложила в руки.
Сердце юности горенье
Пробудило песен звуки.

Входит в душу праздник жизни
Поэтическим расцветом.
Это счастье – быть Отчизны
Верным стражем и поэтом.

ЗВЕЗДА МОЯ

Ночами золото лучей
Мне шлет звезда моя.
Свет все нежней, все горячей
Несет звезда моя.
Не счесть светил, что небосвод
усеяли собой,
Но среди них мне всех милей –
цветет звезда моя,
Как будто редкостный цветок
она передо мной,
К любви возвышенной влечет,
зовет звезда моя.
От взглядов скроется чужих
за дымкой облаков.
Стою и жду – она вот-вот
взойдет звезда моя!
Свиданья с ней волнуясь жду –
спасая от невзгод,
Вдруг мотыльком
в полночной мгле
блеснет звезда моя.
Приемлю трепетной душой
сиянье ее.
Покой теряю и шепчу:
– Встает звезда моя!
Тебя лишь с той звездой сравню
и в том не ошибусь.
Тоскуя о любви, Яхъя
поет: «Звезда моя!»

КАСБИЙ ТАЙЁРГАРЛИК ЮҚОРИ БЎЛСА...

Ички ишлар органлари тизимида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ходимларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланишини таъминлаш ҳамда уларнинг касбий тайёргарлик даражасини янада мустаҳкамлаш мақсадида 10 сентябрдан 10 октябргача «Касбий тайёргарлик» ойлиги ўтказилмоқда.

Ойлик доирасида ходимлар учун маҳорат дарслари, махсус тактик-ўқув машғулотлари, «Заковат» интеллектуал ўйинлари, ситуацион машғулотлар, шунингдек, спортнинг футбол, волейбол, енгил атлетика, кўпкураш, самбо, шахмат ва бошқа турлари бўйича мусобақалар бўлиб ўтмоқда.



ИИВ ҳузуридаги Жазони ижро этиш департаменти ва унинг қуйи тизимларида ойлик доирасида бир қатор ишлар амалга ошириляпти.

Яқинда Департаментнинг Бешинчи минтақавий мувофиқлаштириш марказида ходимлар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг ёйиш ва спортни оммалаштириш мақсадида жазони ижро этиш колониялари шахсий таркиби ўртасида енгил атлетика бўйича мусобақа ташкил этилди.

Қизғин ва муросасиз руҳда ўтган баҳслар якунида 11-сон жазони ижро этиш колонияси ходимларининг қўли баланд келиб, фахрли 1-ўринни эгаллашди. Ғолиб ва совриндорлар фахрий ёрлиқ ҳамда қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Зойир ЙЎЛДОШЕВ,
лейтенант.
Навоий вилояти.



«Касбий тайёргарлик ойлиги» ИИВ Халқаро аэропортларда хавфсизликни таъминлаш қўшинларига қарашли Нукус шаҳрида жойлашган 7261-сонли ҳарбий қисмда ҳам юқори савияда ташкил этилмоқда.

Ойлик доирасида ходимларнинг касбий ва жанговар тайёргарлигини оширувчи спорт мусобақалари, интеллектуал ўйинлар, маҳорат дарслари, саф тайёргарлик машғулотлари ва давра суҳбатлари ташкил этилмоқда. Оммавий тартибсизликларни бартараф этиш бўйича махсус тактик-ўқув машғулотлари ўтказилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, касбий тайёргарлик ойлиги доирасида ўтказилаётган тадбирлар соҳа ходимларининг жисмоний-руҳий ҳолатини яхшилаш, тезкорлик ва хизматга шайлигини оширишда муҳим омил бўлмоқда.

Ўз мухбиримиз.



Арнасой тумани ИИБ ходимлари ўртасида кўпкураш мусобақаси ўтказилди. Шунингдек, соҳа вакиллари иштирокида махсус тактик ва саф тайёргарлиги, ўқотар қуроллардан фойдаланиш, қўл жангги машғулотлари ҳамда «Заковат» интеллектуал ўйини ва китобхонлик кўрик-танловларини ташкил этиш кўзда тутилган. Бундан ташқари, шахсий таркибнинг ахлоқий-психологик даражасини юксалтиришга қаратилган тадбирлар уюштирилади.

Алижон АБДУСАТТОРОВ,
«Postda» мухбири.
Жиззах вилояти.



ИИВ Хоразм академик лицейида ҳам ўқувчилар ўртасида «Заковат» интеллектуал ўйини ўтказилди. Унда таълим муассасасининг 2-босқич ўқувчиларидан иборат 4 та жамоа иштирок этди.

Муросасиз ўтган беллашувлар давомида ҳакамлар ҳайъати томонидан иштирокчиларнинг чиқишлари, билими ва зукколиги диққат билан кузатилиб, холисона баҳолаб борилди.

Тадбир якунида ғолиб ва совриндорларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Худойберган ЖАББОРОВ,
«Postda» мухбири.
Хоразм вилояти.

Сурхондарё вилояти техник ва амалий спорт турлари маркази базасида вилоят ички ишлар органлари тизимида хизмат олиб бораётган хотин-қизлар ўртасида ҳаво милтиғидан ўқ отиш тури бўйича мусобақа ўтказилди. Унда иштирокчилар касбий тайёргарлик бўйича маҳоратини синовдан ўтказди.



Шартларни тезкорлик ва аниқлик билан бажарган Термиз тумани ИИБ ҲПБ катта инспектори, лейтенант Ойбиби Аҳмедова фахрли 1-ўринни эгаллади. 2-ўринни Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси катта инспектори, майор Дилфуза Чоршанбиева, 3-ўринни эса Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси кичик инспектори, сафдор Мадина Шобердиева эгаллади.



Ғолиблар ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Феруза РАҲМОНҚУЛОВА,
«Postda» мухбири.
Сурхондарё вилояти.

ИИВ таълим муассасаларида

ЁШЛАР БИЛАН УЧРАШУВ



Жорий йилда ИИВ Жиззах академик лицейи биноси капитал таъмирланди. 400 ўринли ўқувчилар тураржойи ҳамда 300 ўринли ошхона бунёд қилинди. Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда Ички ишлар вазирининг ўринбосари, генерал-майор Азизбек Икрамов иштирок этди.

Вазир ўринбосари дастлаб лицейда яратилган шароитлар билан танишди. У синфхоналарнинг зарур анжом ва воситалар билан таъминланишига, ахборот-ресурс маркази, шунингдек, электрон кутубхонада юзага келтирилган имкониятларга эътибор қаратди. Ўқувчилар тураржойини кўздан кечирди.

Генерал-майор Азизбек Икрамов лицей ўқувчилари билан мулоқот ҳам ўтказди. Учрашув давомида вазир ўринбосари ёшларнинг билим олиши, ҳунар эгаллаши ва иш билан таъминланишига қаратилган ислоҳотлар тўғрисида сўз юритди.

Таъкидлаш жоиз, жорий йилда лицейни тамомлаган 387 нафар битирувчининг 224 нафари олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилинди.

Шу куни ўқув муассасасида вилоят ИИБ бошлиғининг ўринбосари, подполковник Ҳамидулло Абдуллаев маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш хизмати фойдаланишни бошлаган «e Jizzax baza» электрон маълумотлар тизими тақдимотини ўтказди. Ушбу маълумотлар базаси ходимнинг шахси ва хизмат фаолиятига оид маълумотларни қисқа вақтда олиш имконини беради.



Шунингдек, маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш хизмати масъулларини боғловчи видеоалоқа тизими тақдимоти уюштирилди.

Вазир ўринбосари Азизбек Икрамов билан ўтказилган мулоқотлар давомида амалга оширилиши лозим бўлган қатор вазифалар белгилаб олинди. Чунончи, академик лицей ҳудудидаги бўш бинода муайян шароитларни яратиш орқали ички ишлар органлари ходимларини ўқитиш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш, жанговар ва жисмоний тайёргарлигини кучайтириш ҳамда уларни синовдан ўтказиш марказини бунёдга келтириш юзасидан тавсиялар билдирилди.

Алижон АБДУСАТТОРОВ,
«Postda» мухбири.
Жиззах вилояти.

Терговчининг бир куни

ТОВЛАМАЧИНИНГ АЙЁРЛИГИ ИШ БЕРМАДИ

Капитан Жамшид Исмоилов бошқармадан чиққанида теваракка қоронғилик чўкканди. Куз ёмғири тозалаган ғуборсиз ҳаводан тўйиб нафас олганча оҳиста қадам ташлай бошлади. Вужудини чарчоқ эгаллаган бўлишига қарамай юритувидаги жиноий ишлардан бирини ниҳоясига етказгани, яна бири тез орада тугалланиши унда қониқиш ҳиссини уйғотди. Аммо бевақт вафот этган йигитни ўйлаб, юраги эзилди...



Жиззах вилояти ИИБ ҳузуридаги Тергов бошқармасининг ўта муҳим ишлар бўйича терговчиси, капитан Жамшид Исмоилов 1991 йили Жиззах шаҳрида туғилган. Ички ишлар органларидаги фаолиятини Фориш тумани ИИБ тергов гуруҳи терговчиси лавозимида бошлаган. Оилали, 3 нафар фарзанди бор.

Жиззах вилояти ИИБ ҳузуридаги Тергов бошқармасининг ўта муҳим ишлар бўйича терговчиси, капитан Жамшид Исмоиловнинг бугунги иш куни қотилликда гумон қилинаётган шахсни сўроқ қилиш билан бошланди. Маълум бўлишича, Дўстлик туманидаги ресторанда ёшлар рақс тушишади. Бу жараёнда йигитлардан бирининг қўли бошқасига тегиб кетади. Ҳаммаси узр сўраш билан якун топиши мумкин эди, аммо ёшликнинг ғўр ғурури даҳанаки жанжални келтириб чиқарди. Кейин эркакча гаплашиб олиш учун кўчага чиқдилар. Ташқарида улардан бири гапни чўзиб ўтирмасдан рақибининг чаккасига мушт туширди. Зарба жабрланувчини йиқитди ва у бошқа оёққа турмади. Тиббий экспертиза йигитнинг миясига қон қуйилганини кўрсатди.

Видеокузатув ускунасидан олинган жиноятга оид тасвирлар мавжудлиги учунми, айбланувчи гуноҳига дарров иқрор бўлди. Шундан сўнг терговчи гувоҳлар, жабрланувчининг қариндошлари билан суҳбатлашди, томонларни юзлаштирди, кўрсатмалар қоғозга туширилди. Жараён видео ва аудио қурилмалардан фойдаланилган ҳолда адвокат иштирокида амалга оширилди...

Капитан куннинг иккинчи ярмида товламачилик билан боғлиқ жиноий ишни ёпди. Шароф Рашидов тумани Халқ таълими бўлими масъулларидан бирини ижтимоий тармоқ орқали шарманда қилиш билан қўрқитиб, 2 минг АҚШ доллари талаб қилган ва 10 миллион сўм олган пайти жиноят устида ушланган шахснинг тергови бироз оғир кечди. Муқаддам айни шу турдаги қонунбузарликни содир этгани учун судланган айбланувчи «Пулни қарз сифатида сўрагандим, менга туҳмат қилишяпти», деб туриб олгани терговчининг анча тер тўкишига сабаб бўлди.

Чунончи, у алоқа компаниялари вакиллари кўмагида айбланувчининг сўзлашувлари ва ижтимоий тармоқдаги ёзишмаларини таҳлил қилди. Гувоҳлар билан гаплашди. Мазкур жараёнда ушбу шахснинг Жиззах шаҳри, Шароф Рашидов, Арнасой ва Мирзачўл туманларида фаолият юритаётган 9 нафар педагог тўғрисида маълумот тўплаб, уларни ҳам товлашни режалаштиргани аниқланди. Худди шундай, Халқ таълими бўлимининг жабрланувчи масъулидан пул талаб қилганига оид анчагина аудиоёзувлар олинди. Хуллас, бир ой давом этган тергов якунида айбланувчи рад этиб бўлмас далиллар қаршисида ожиз қолди.

... Кун давомида 10–15 одам билан гаплашиш, бир нечта жиноятларга доир маълумот, тахмин ва мулоҳазаларнинг мияда тинимсиз айланиши ва бетўхтов таҳлиллар терговчини чарчатади. Шу боис капитан Ж. Исмоилов баъзи кунлари пиёда юриб, чарчоғини ёзади. Яъни, хизмат билан боғлиқ ўйларидан холи бўлганига ишонч ҳосил қилганидан кейингина уйи томон йўл олади...

Алижон АБДУСАТТОРОВ,
«Postda» мухбири.
Жиззах вилояти.

Ветераны всегда в строю

ЗА КАЖДЫМ ДОКУМЕНТОМ – ЧЕЛОВЕЧЕСКАЯ СУДЬБА



Многие сотрудники Центрального аппарата МВД Республики Узбекистан с теплотой и любовью вспоминают Ольгу Степановну Худякову, которая многие годы трудовой деятельности посвятила органам внутренних дел. Человек широкой прекрасной души, тактичная, внимательная и чуткая, Ольга Степановна обладает замечательными качествами, среди которых – умение выслушать собеседника, помочь в трудной ситуации, дать дельный совет, не ссылаясь на занятость и загруженность работой. Такой она была всегда, такой является и ныне, заслужив почет и уважение всех тех, с кем ей довелось работать в разные годы…

Трудовая деятельность О. Худяковой насчитывает ряд ответственных должностей, начиная с Управления охраны общественного порядка МВД Узбекистана и до Службы по работе с личным составом МВД (ныне – Департамент духовно-просветительской работы и кадрового обеспечения), куда она была направлена на работу в 1992 году.

– В СРЛС в последние годы я работала начальником канцелярии, – рассказывает Ольга Степановна. – К работе с документацией министерского статуса необходимо прилагать максимум ответственности, внимания и профессиональных навыков. Я не уставала повторять молодым сотрудницам, что за каждым документом стоит человеческая судьба, ошибки и неточности недопустимы. Любая работа требует самого серьезного подхода, умения, мастерства, и нужно стараться сделать ее так, чтобы ни у кого не было сомнений в профессиональном подходе.

Так Ольга Степановна трудилась на протяжении лет, воспитав немало учеников, которые благодарны ей за самоотверженность, искренность и щедрость души. Сегодня героиня нашего очерка находится на заслуженном отдыхе, но что такое настоящий отдых, ей неведомо, потому что привыкла работать всегда.

Ей часто звонят коллеги по работе, ученики, навещают, справляются о здоровье, делах, консультируются, просят дать дельный совет, и Ольга Степановна всегда поможет, приободрит, поделится богатым опытом. Очень важно быть нужным для окружающих, никогда не оставаться в стороне от насущных проблем, помогать и испытывать радость от того, что сделал добро, вселил надежду на успех.

Георгий ПЕТРОСЯН,
корреспондент
«На посту».

Служба пробации

НАЧАТЬ С ЧИСТОГО ЛИСТА

Нередко бывшие осужденные после освобождения из мест лишения свободы сталкиваются с различными сложностями: это и стигматизация со стороны определенной части общества, и проблемы с трудоустройством. О том, как происходит их социальная адаптация, мы узнали, пообщавшись с лицами, отбывшими срок, и сотрудниками, которые помогают им наладить жизнь.



Этими вопросами занимается служба пробации. Она помогает бывшим осужденным вернуться к нормальной жизни.

– Одна из проблем экс-заключенных в том, что их в большинстве случаев нигде не ждут, – говорит начальник Управления пробации СОБ УВД Самаркандской области подполковник Зокир Абдурахмонов. – Некоторые осужденные, возвращаясь домой, сталкиваются с тем, что их лишили жилья, не впускают в квартиру. Приходится отстаивать права, вновь вселяться по адресу проживания. Еще одна проблема – отказ в трудоустройстве. Стоит какому-то кадровику узнать о судимости, как находится тысяча причин, чтобы отказать соискателю. После отбытия срока наказания даже человеку со стажем, образованием сложно устроиться на работу, потому что ему не доверяют. Проще тем, кто учился ремеслу и готов организовать собственное дело. Многие наши подопечные открывают цеха по выпечке, изготовлению мебели, пошиву одежды, парикмахерские.

К примеру, пару месяцев назад из колонии освободился 25-летний житель махалли Севали ота г. Самарканда.

– По выходу из колонии я арендовал помещение, работаю парикмахером, – говорит он. – Мне повезло, потому что у меня есть любимое дело, но не всем бывшим осужденным удается трудоустроиться. Те, кто отсидел большие сроки, не всегда могут приспособиться к реалиям, потому вновь совершают преступление и возвращаются в места не столь отдаленные. Большую роль играют близкие люди. Мама, несмотря на все мои ошибки, любит меня, не дает опустить руки.

Согласно данным, предоставленным службой пробации области, с начала года в отношении 328 осужденных была применена более жесткая мера наказания, многие возвращены в места лишения свободы, 25 из них совершили повторные преступления, 21 – находится в розыске. Немало и тех, кто выбрал путь исправления. В отношении 1748 осужденных вынесенный приговор был смягчен.

– Практика показывает, что не менее одной трети бывших осужденных склонны к совершению повторных преступлений, так как у них выработано пренебрежительное отношение к законам, – говорит капитан Санжар Сапаров. – Но мы прилагаем все усилия к тому, чтобы данные лица начали новую жизнь. С ними ведутся индивидуальные беседы, изучаются проблемы, многие решаются на месте. Бывшим осужденным оказывается поддержка, в частности, проводится медицинский осмотр, выделяется единовременная материальная помощь, ведется планомерная работа по трудоустройству. Прилагаемые усилия дают результаты.

Замира БАЛТАЕВА,
корреспондент «На посту».
Фото автора.
Самаркандская область.

ИИВ Тиббиёт муассасаларида

КОМИССИЯЛАР ФАОЛИЯТИГА БАҒИШЛАНДИ

ИИВ Тиббиёт бошқармасида вазирлик ҳарбий-тиббий комиссияси мутахассислари иштирокида ўқув-семинар бўлиб ўтди.

Вазирлик Тиббиёт бошқармаси, Марказий госпиталь, Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ИИББ ҳамда вилоятлар ИИБ Тиббиёт бўлимлари ҳарбий-тиббий комиссиялари раислари ва мутахассислар қатнашган тадбирни Тиббиёт бошқармаси бошлиғи ўринбосари, полковник Фахриддин Пайзиев очиб берар экан, жиноятчиликка қарши курашиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда жамоат тартибини сақлашда ходимларнинг саломатлиги, хизматга шайлиги алоҳида аҳамият касб этишини таъкидлади.

Тизимдаги ҳарбий-тиббий комиссияларнинг асосий вазифаси ички ишлар органлари ва ИИВ таълим муассасаларига жисмонан ва руҳан соғлом номзодларни танлаш, хизмат қилаётган ходимларнинг кейинги хизматга яроқлилигини



аниқлашдан иборат. Бу вазифаларни бажариш мақсадида айни пайтда жойларда 16 та ҳарбий-тиббий комиссия ташкил этилган. Уларга бевосита раҳбарлик қилиш ва методик марказ сифатида вазирлик Марказий ҳарбий-тиббий комиссияси фаолият юритмоқда.

Қайд этиш жоизки, эндиликда вазирликнинг тегишли буйруғи асосида ички ишлар органларига қабул қилинаётган номзодларга ҳарбий-тиббий комиссиядан ўтиш учун йўлланма бериш амалиётининг йўлга қўйилиши ортиқча овора-гарчиликларнинг олдини олиб, бир қанча қулайликлар яратди.

– Ҳарбий-тиббий комиссия ўз қарорлари, хулосаларини кўпчилик овоз билан қабул қилади, – дейди ИИВ МҲТК раиси, подполковник Баҳодир Жамолов. – Ички ишлар органларида хизмат қилишга яроқлилиги даражаси ҳар бир шахсга индивидуал баҳо бериш усули билан амалга оширилади.

Семинарда ИИВ Марказий ҳарбий-тиббий комиссияси бош мутахассисларининг руҳий, терапевтик, кўз, жарроҳлик, неврологик касалликларнинг ҳарбий-тиббий экспертизаси ҳақидаги маърузалари, шунингдек, вилоятлар ҲТК раисларининг жойларда юзага келаётган муаммолар ва амалга ошираётган ишлари юзасидан ахборотлари тингланди. Ҳарбий-тиббий комиссиялар иш сифатини ошириш борасидаги таклифлар ва уларни амалга ошириш бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Тадбир доирасида иштирокчилар ИИВ МҲТК ва Марказий поликлиникаси иш фаолияти билан танишди ҳамда Амир Темур ва Ички ишлар вазирлиги музейларида бўлишди.

Гулноза ТУРҒУНБОЕВА,
«Postda» мухбири.

БИЛИМ ВА ТАЖРИБА БАҲСИ

ИИВ Тиббиёт бошқармаси «Ўзбекистон» санаторияси ўрта тиббий ходимлари ўртасида «2022 йилнинг энг яхши тиббий ҳамшираси» кўрик-танлови ўтказилди.

Танловда иштирокчилар таништирув, назарий савол-жавоблар, амалий машғулот ҳамда эркин мавзу шартлари бўйича ўзаро беллашишди.

Таъкидлаш жоизки, соғлиқни сақлаш тизимидаги ислоҳотларни ҳаётга татбиқ этишда ҳамшираларнинг муҳим роль ўйнайди. Шу боис юртимизда олиб борилаётган тиббий-ижтимоий ислоҳотлар жараёнида ҳамширалик ишини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тиббий таълим тизими халқаро талаблардан келиб чиқиб такомиллаштириляпти. Соҳа ходимлари ўртасида турли кўрик-танловларнинг ўтказилиши эса ўзаро тажриба алмашиш учун энг яхши имкониятдир.

– Бугунги танловда асосий эътибор иштирокчиларнинг билими, интеллектуал ва касбий салоҳиятига қаратилди, – дейди ҳакамлар ҳайъати раиси, «Ўзбекистон» санаторияси бошлиғи, полковник Азиза Мўминова. – Шунингдек, уларнинг юртга дахлдорлик туйғуси, фаол фуқаролик позицияси баҳолашнинг муҳим мезонлари бўлди. Мазкур беллашув ўрта тиббиёт ходимлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, иқтидорли ёшларнинг интилишларини рўёбга чиқаришда алоҳида аҳамият касб этади.

Қизғин ва муросасиз руҳда ўтган танловда иштирокчилар соҳага оид билимлари билан бир қаторда, спорт, санъат, адабиётдаги маҳоратини ҳам намойиш этишди.

Кўрик-танлов якунига кўра, «Ўзбекистон» санаториясининг кардиология бўлинмаси ўрта тиббий ходими Маъмуржон Обидов биринчи ўринни, лаборатория фельдшер лаборанти Азиза Юлдашева иккинчи ўринни қўлга киритди. Гастроэнтерология бўлинмаси ўрта тиббий ходими Шоҳрух Саидумаров эса учинчи ўринга сазовор бўлди.





– Жуда ҳаяжонаман, ғолиб бўламан деб ўйламагандим, – дейди кардиология бўлинмаси ўрта тиббий ходими Маъмуржон Обидов. – Чунки санаториямиз ходимлари тажриба, маҳорат бобида ҳамиша бир-бирига ўрнак, барчаси соҳанинг етук мутахассислари ҳисобланади. Ҳамкасбларимни кузатиш, улар билан бирга саҳнада ишлаш жараёни қизиқарли бўлди. Танловнинг кейинги босқичида билдирилган ишончни оқлашга ҳаракат қиламан.

Ғолибларга диплом ва қимматбаҳо совғалар тақдим этилди.

Тадбирга ИИВ Маданият саройи ашула ва рақс ансамбли ёш хонандалари ижросидаги куй-қўшиқлар ўзгача файз киритди.

Ўз мухбиримиз.

Аёл ва жамият

БУ КЎЗЛАРДА ИШОНЧ ПОРЛАЙДИ

Тошкент вилояти ИИББ Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармаси ва унинг қуйи тизимларида хотин-қизларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда жиноятчиликка қарши курашиш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

– Аёл ҳуқуқий саводхон бўлса ва турмушида турли муаммолар қуршовида қолмасагина жамиятнинг тўлақонли иштирокчисига айланади, бор-куч ғайратини истиқболга сарфлайди, – дейди вилоят ИИББ ҲПБ бошлиғи ўринбосари, подполковник Шаҳноза Содиқова. – Хотин-қизлар иштирокида ўтказилаётган «Ҳуқуқ ва мажбуриятларингизни биласизми?» мавзусидаги учрашувларимиз, «Хотин-қизлар ҳуқуқий маданиятини ривожлантириш истиқболлари», «Оила муқаддас», «Аёл эъзозда», «Келин ва қайнона», «Ибратли оила», «Сиз қонун ҳимоясидасиз», «Ўзбек аёли» мавзуларидаги профилактик тадбирларимиз айнан шу эзгу мақсадларга қаратилган.



Айни пайтда хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш, шунингдек, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, оилалардаги муаммоларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш масалалари вилоят ИИББ ҲПБ хотин-қизлар масалалари бўйича инспекторларининг доимий эътиборида. Ҳудудда оила-турмуш муносабатлари доирасида содир этилаётган ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олиш, нотинч оилаларни ўз вақтида аниқлаш, улардаги муҳитни соғломлаштириш, бу тоифадаги оила ва шахсларни ўз вақтида аниқлаш, ҳисобга олиш ва улар билан тегишли профилактик ишларни олиб боришга алоҳида аҳамият берилмоқда.



Маълумот ўрнида таъкидлаш жоизки, жорий йилнинг ўтган даврида вилоятда тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган 5011 нафар аёлга ҳимоя ордери расмийлаштирилган. Ҳимоя ордерларининг сабабларини таҳлил этиб, уларни жисмоний, иқтисодий, руҳий зўравонлик ва тазйиқ ўтказишга таснифлаш мумкин.

Бугунга қадар вилоятда маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимлари, бошқа ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда манзилли тарзда уйма-уй юриш орқали ушбу оилаларнинг яшаш шароитлари ўрганилиб, аниқланган муаммоларни бартараф этишда амалий ёрдам кўрсатилди. Ҳимоя ордери берилган оилалар билан олиб борилган профилактик тадбирлар натижасида 2638 та оилани яраштиришга эришилди, 2414 тасининг низолари бартараф этилди. Айнан шу оилалардаги болаларнинг оила бағрида қолиши, ота-она меҳри ва уларнинг тўкис оила ошёнини ҳис этиш қувонарли ҳолатдир.

Бир сўз билан айтганда, муаммоларнинг ўрганилиши оилаларнинг фаровонлиги, хотин-қизлар турмушидаги камчиликларнинг бартараф этилишига хизмат қилмоқда. Тўғри, биз номма-ном келтирмадик, аммо айни дамда қайсидир аёл кичик тадбиркорлик фаолиятини бошлаб улгурди, қай бири ўзига маъқул иш жойига эга бўлиб, аҳил бир жамоа аъзосига айланди. Яна бири тикувчи, бошқаси қандолатчи. Муҳими, улар энди турмушнинг айрим муаммоларидан тушкунликка тушмайди, балки уларни моҳирлик билан енгади. Уларнинг кўзида эртанги кун ишончи ёниб турибди.

Гулноза ТУРҒУНБОЕВА,
«Postda» мухбири.
Тошкент вилояти.

Фахрийлар кенгаши фаолиятидан

ОИЛАВИЙ АЖРИМЛАРНИНГ ОЛДИ ОЛИНДИ

Хоразм вилоятида ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, оила-турмуш доирасидаги муаммоларни бартараф этишга катта эътибор қаратилмоқда. Бу борадаги профилактик тадбирлар самарадорлигини ошириш мақсадида ҳар бир маҳаллага ички ишлар органлари фахрийлари бириктирилиб, улар жамоатчилик вакиллари билан яқин ҳамкорликда иш олиб боришяпти.

Шунингдек, вилоят ИИБ Фахрийлар кенгашининг фаол аъзолари вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида тарғибот тадбирларини ўтказишмоқда.

– Асосий вазифа жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишда ички ишлар органлари ходимларига яқиндан амалий ёрдам беришдан иборат, – дейди вилоят ИИБ бошлиғининг маслаҳатчиси, истеъфодаги полковник Рустам Раҳимов. – Бунда асосий эътибор оила-турмуш доирасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган. Ишчи гуруҳ аъзолари жойларда ўтказилаётган тарғибот тадбирларида, жиноят муҳокамаларида фаол қатнашиб, кун тартибидаги масалалар бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришяпти.



Жорий йилнинг ўтган даврида ишчи гуруҳ томонидан маҳаллаларда, таълим муассасаларида 27 марта тадбирлар ўтказилди. Ушбу тадбирлар давомида 17 марта оила-турмуш доирасидаги муаммолар муҳокама қилиниб, 19 та оилада ижобий муҳит яратилишига эришилди, 7 та оилада ажримнинг олди олинди.

Худойберган ЖАББОРОВ,
«Postda» мухбири.
Хоразм вилояти.

Асрор ЖУМАНИЁЗОВ олган сурат.

Непридуманная история

ИЗМЕНА ИЗМЕНИЛА ЛИНИЮ СУДЬБЫ

18-летний Бегзод сильно исхудал, почти ничего не ел, постоянно лежал в кровати и смотрел в одну точку. Когда его окликал старший брат, даже не отвечал...

В очередной раз Дилноза проснулась в холодном поту, ей несколько дней подряд снился один и тот же сон, и оттого на душе было неспокойно. Она думала о сыновьях: как там они, справляются ли без нее? Невольно на глаза навернулись слезы. Она уткнулась в подушку и долго плакала.

Через пару дней в Колонии исполнения наказания № 21 ДИН при МВД Республики Узбекистан, где отбывает свой срок Дилноза, состоялось духовно-просветительское мероприятие. Встреча была организована по инициативе майора Ш. Норматовой – начальника отдела по вопросам женщин Управления профилактики правонарушений ГУВД г. Ташкента для того, чтобы поближе познакомиться с оступившимися представительницами прекрасного пола, узнать их проблемы и просто поговорить по душам. С теми, кто уже отбыл свой срок, были заключены договора о предоставлении им работы и денежной помощи. Женщинам, обучившимся разным профессиям на организованных в колонии курсах, представители Центра женского предпринимательства города Ташкента вручили сертификаты.





После мероприятия майор Ширин Норматова побеседовала с женщинами, среди них была и Дилноза. Она призналась, что сожалеет о содеянном. По ее словам, у нее была благополучная семья – муж, хорошо воспитанные дети. Все произошло в одночасье.

Утром дети ушли на учебу. Муж с женой пили чай и планировали день. Раздался звонок. Дилноза открыла дверь, на пороге стояла женщина, она приветливо поздоровалась и вошла в дом. Гостья призналась, что давно встречается с мужем Дилнозы и они любят друг друга.

Дилноза была шокирована, не могла в это поверить. На ее удивление муж ничего не отрицал, а, наоборот, подтвердил слова незнакомки. У женщины случилась истерика, она потребовала объяснений и схватила со стола кухонный нож...

Спустя время в квартире собрались врачи «скорой помощи», сотрудники ОВД, соседи. На полу, посреди комнаты лежало тело окровавленного мужа Дилнозы. Учтепинский районный суд по уголовным делам осудил женщину по статье 97 Уголовного кодекса Республики Узбекистан.

Родственники мужа винили Дилнозу, отказались помогать детям. В ходе разговора она призналась, что беспокоится за сыновей, особенно за младшего, Бегзода.

Выслушав ее, начальник отдела по вопросам женщин ГУВД столицы пообещала узнать, что с ее детьми, оказать помощь в решении их проблем, и выполнила обещание. Ответственные сотрудники УПП ГУВД города совместно с представителями хокимията Ташкента, районной администрации, махаллинского схода граждан и сотрудниками УКД ОВД Учтепинского района навестили сыновей Дилнозы. Ребятам передали набор продовольственных продуктов. Их включили в список «молодежной тетради», был решен вопрос оплаты срочной службы.

Дилноза успокоилась – Бегзод, больше не снился ей больным и усталым...

Азиза АГЗАМХОДЖАЕВА,
корреспондент
«На посту».





1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни

Устоз-муаллимсиз қолганда замон,
Нодонликдан қаро бўларди жаҳон!

Абдураҳмон ЖОМИЙ.

«ИЛМДАН ЎЗГА НАЖОТ ЙЎҚ!»

Дунёга келган фарзанднинг биринчи тарбиячиси ота-онаси ҳисобланса, унга ўқиш ва ёзиш, гўзал одоб-ахлоқ ва тарбия тушунчалари, дунёвий билимлар ва одамийлик ҳақидаги тасаввурлар, меҳр-оқибат, эзгу орзу-ниятлар билан яшаш туйғуларини сингдиришда, жамиятда ўзининг ўрнини топиш ва келажагини белгилаб олишда устоз ва мураббийларнинг ўрни беқиёс.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш лозимки, узоқ йиллар давомида устоз ва мураббийларга бўлган муносабат жуда ачинарли аҳволда эди. Оқибатда улар фаолият жараёнида кўплаб муаммоларга дуч келганлиги ҳеч кимга сир эмас. Ўтган давр мобайнида уларга бўлган муносабат натижасида жамиятимизнинг ҳимоясиз қатламига айланиб қолишди. Белгиланган вазифасидан ташқари ишларга жалб этилгани, таъсир этувчи шахсларнинг кўпайгани, камситилишлар натижасида қанчадан-қанча малакали ва тажрибали ўқитувчи-педагоглар ўзи севган касбидан воз кечгани жамиятнинг барча соҳаларида кўплаб муаммоларни келтириб чиқарган оқибатларига ўзимиз гувоҳ бўлдик.



Кундан-кун турли глобал муаммолар кучайиб бораётгани сабабли шиддат билан ўзгариб бораётган давр ҳар соҳада ислоҳотларни талаб қилмоқда. Шу мақсадда, аввало, таълим-тарбия масканларининг моддий-техник базасини замонавий талаблар асосида шакллантириш, кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини замон талаблари асосида қайта ишлаб чиқиш, ўқув дастурлари ва стандартларини такомиллаштириш, соҳа вакилларининг ойлик иш ҳақларини қайта кўриб чиқиш ҳамда босқичма-босқич ошириб бориш ҳамда энг асосийси, «**Ўқитувчи мақоми тўғрисида**»ги қонунни қабул қилиш каби масалаларни ҳал қилиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, «Бугун ҳар бир ўқитувчи ва тарбиячи, олийгоҳ домласи таълим ва илм-фан соҳасидаги энг сўнгги ижобий янгиликларни ўқув жараёнларига татбиқ эта оладиган, чуқур билим ва дунёқараш эгаси, бир сўз билан айтганда, замонамиз ва жамиятимизнинг энг илғор вакиллари бўлишлари керак. Ишончим комил, халқимиз зиёлиларининг илғор вакиллари бўлган сиз, ҳурматли устоз ва мураббийлар мамлакатимизда ижтимоий-маънавий муҳитни яхшилаш, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, жамиятимизда тинчлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш бўйича олиб бораётган ишларимизни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, ҳаётда ўзини оқлаган мактаб, оила ва маҳалла ҳамкорлигига асосланган ижтимоий тизим самарасини оширишда фаол иштирок этиб, барчага ўрнак ва намуна бўлаётсизлар. Бугун биз яшаётган жамиятга янги фикр, янги ғоя, энг муҳими, ислоҳотларни амалга оширишга қодир бўлган янги авлод кадрлари керак. Албатта, халқимизнинг мардона меҳнати, ўқитувчи ва мураббийларнинг жонбозлиги туфайли таълим соҳасини тубдан модернизация қилиш бўйича кўп иш қилдик. Лекин ҳаммамиз яхши тушунамизки, булар – катта мақсад йўлида ташланган дастлабки қадамлар, холос».

Дарҳақиқат, биз кўзлаган олий мақсад йўлида «**илмдан ўзга нажот йўқ ва бўлмайди ҳам»** деган ибратли даъватга барчамиз чин дилдан ишонмоғимиз лозим. Ана шу ишончни амалга ошириш устоз мураббийларнинг қўлида. Шундай экан, ўзининг соғлом фикри дунёқараши илмий салоҳияти юқори бўлган баркамол авлодни тарбиялаб, камол топтиришдек олий мақсад йўлида машаққатли вазифани амалга оширишда устозларга куч-қудрат, мустаҳкам соғлиқ ва илмий зафарлар тилаб қоламиз. Доимо эл эъзозида бўлинг, азиз устозлар!

Нигора ҲУСАНОВА,
Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳузуридаги Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти илмий ходими.

Мулоҳаза

ТАНЛАШ ИМКОНИЯТИ – ЎЗИНГИЗДА



Кўп қаватли уйнинг биринчи қаватида, аввал норинхона, кейинчалик дорихона бўлган жойда китоб дўкони очилганини эшитиб, рости, қувондим. Негаки, биз яшаётган ҳудудда китоб дўконини топишнинг ўзи амримаҳол. Шунинг учун тезроқ у ерга бориш, қандай китоблар борлигини кўриш иштиёқи менга тинчлик бермасди. Уйга кириб тезда фарзандларимни китоб дўконига бошлаб чиқдим. Дўкон каттагина экан. Бадиий асарлар, болалар учун адабиётлар, диний мазмундаги китоблар...

– Танланглар, – дедим фарзандларимга. – Хоҳлаган китобларингни олиб бераман.

Фарзандларим айланиб-айланиб, ўзларига ёққан бир нечта китобни кўтариб чиқишди. Ўзим ҳам иккита китобни танладим. Уларни кассир ёнига олиб келиб, ҳисоб-китоб қилишини сўрадим.

– Барака топинглар, жуда савобли ишга қўл урибсизлар-да, – дедим кассир йигитга дилимдаги миннатдорликни билдириш учун. – Яқин-ўртада китоб дўкони йўқ эди.

– Раҳмат, ака. Фақат ҳамма ҳам сиздек фикрламас экан. Айримларга кулги бўлганимиз қолди-да. Дўконимизни телеграм каналига «прикол» қилиб қўйиб юборишибди. Буни қаранг, – йигит шундай дея уяли телефонидаги бир суратни кўрсатди.

Китоб дўкони ёнидаги алкоголь дўкони билан бирга туширилган сурат тагига киноя билан «Юр, 50–50 уриб, китоб ўқиб ўтирамиз», деб ёзилганди. Ушбу суратга билдирилган изоҳларни ўқиб, бир ғазаблансангиз, бир шу даражага тушиб қолганимиздан афсусланасиз.

«Парво қилманг, китоб ўқимайдиган, маънавиятсиз одамлар гапираверади-да», дея йигитнинг кўнглини кўтарган бўлсам-да, бу ҳолатни унутишим қийин бўлди. Кузатувчилар нималар деб ёзганига қизиқиб, ўша телеграм каналига кириб кўрдим. Изоҳлар ҳам ҳаминқадар, турли хатолар билан ёзилган, ёзув эгасининг қандай инсон эканлигини билдириб тургандек. Лекин бу ҳолатни ёқлаб ёзган, яхши бўлибди, деган бирорта изоҳни тополмадим.

Ишончим комилки, «Сенга нима? Кимга нима керак бўлса, ўшани сотиб олади» дегувчилар ҳам топилади. Хуллас, жаҳолатга қарши курашаётган маърифатнинг юриши кимларгадир ёқмади, кулгили ва эриш туюлди.

Бундай олиб қараганда, ҳаётимизнинг ўзи оқ-қорадан, яхши-ёмондан иборат. Балки, бу сизу биз учун бир синовдир. Қайсинисини танлаш эса ўзингизга ҳавола. Хўш, сиз қай бирини танлайсиз?

Фозилжон МАМАШАРИПОВ,
«Postda» мухбири.

BOLAJON

SAVODSIZ QUYONCHA



Bir bor ekan, bir yo‘q ekan. Qadim zamonda bir o‘rmonda quyoncha yashar ekan. O‘rmondagi barcha hayvonlar uni juda yaxshi ko‘risharkan.

Quyoncha yoz davomida o‘rmon kezibdi, o‘ynabdi, kulibdi. Yozgi ta’til ham nihoyasiga yetibdi. Maktab boshlanibdi, ammo quyoncha o‘qishga borishni xayoliga ham keltirmas ekan. «Maktabga qatnashning nima keragi bor? Men o‘qimasdan hamma narsani bilib olaman!» deb o‘ylar ekan u.

Barcha do‘stlari maktabda o‘qiyotgan mahal u o‘rmonda shataloq otib o‘ynabdi. Ammo ko‘p o‘tmay yolg‘izlikdan yuragi siqilibdi. Quyoncha o‘rdak amakining do‘koniga bormoqchi bo‘libdi. «Menga qiziq-qiziq ertaklar aytib beradi» deb o‘ylabdi o‘zicha.

O‘rdak amakining do‘koniga kelsa, eshik yopiq ekan. Quyoncha eshikka yopishtirilgan qog‘ozni ko‘ribdi, ammo o‘qishni bilmagani uchun nima yozilganini o‘qiy olmabdi. Xafa bo‘lib uyiga qaytayotgan ekan, yo‘lda o‘rdak amakiga duch kelibdi.

– O‘rdak amaki, do‘koningizga borgandim. Yo‘q ekansiz, uyga qaytib ketyapman, – debdi u.

– Eshikdagi yozuvni o‘qimadingmi? Mol olgani ketgan edim. 10 daqiqada qaytaman, deb yozgandim, – debdi o‘rdak amaki.

Quyoncha juda ham uyalibdi, ammo o‘rdak amakiga maktabga bormayotganini aytmabdi. Aqli kirgan quyoncha ertasi kundan boshlab maktabga qatnay boshlabdi.



KITOB



Eng yaqin do‘st menga u,
Keltirmas u hech qayg‘u.
Doim niyati ezgu,
Ilm-u urfonga ko‘zgu.

Hikmat to‘la xazina,
Jondan sevar kamina.
Ajdodlardan madina,
Buyuklikka u zina.

Zakovatning makoni,
Bilimlarning zo‘r koni.
Juda oliy maqomi,
Kitobdir uning nomi.

Shahnoza EGAMBERDIYEVA.

ELEKTR TOKI QANDAY QILIB UYGA KELADI?



Shaharlar, uylarimizning kecha-yu kunduz yorug‘ bo‘lishi uchun elektrostansiyalar muntazam ishlab turadi. Ular har xil bo‘ladi. Ba‘zilari, elektr tokini olish uchun qozonxonalarda suv qaynatilib, uning bug‘i katta parraklarni aylantiradi. Bu holat o‘z navbatida, generatorni ishga tushiradi. Generator esa elektr toki ishlab chiqaradi.

Bundan tashqari, daryolarga ham elektrostansiyalar qurilardi. Daryo oqimidan kelayotgan suv generator parraklarini aylantirib, yuqoridagi jarayon takrorlanadi, ya‘ni generator elektr tokini ishlab chiqaradi. Toklar simlar orqali kichik kuchlanishli elektrostansiyalarga bo‘linadi. Shundan so‘ng elektr toki uyimizga keladi.

SAYOHATCHILAR



21 nafar sayohatchi sayohatdan qaytayotgan edi. Qornilari ochib, tushlik qilish maqsadida kichkinagina oshxonaga kirishdi. Oshxona xo‘jayinini chaqirib, hisob-kitobdan so‘ng, stolda oxiri kim qolsa, o‘sha hamma uchun to‘laydi, deb shart qo‘yishdi. Xo‘jayin ham rozi bo‘ldi.

Xonaning 4 tarafida 4 ta stol bor edi. Sayohatchilar uchta stolga 7 kishidan bo‘lib joylashishdi. Oxirgi stolga esa oshxona xo‘jayini o‘tirdi.

Ovqatlanib bo‘lishgach, hisoblashni boshladilar. Soat strelkasi bo‘yicha sanab, har yettinchi kishini pul to‘lashdan ozod qildilar va u xursand bo‘lib chiqib ketdi. Buni qarangki, oxirgi bo‘lib, oshxona xo‘jayini qoldi va taom haqini to‘lashiga to‘g‘ri keldi.

Ayting-chi, qanday qilib oxirgi bo‘lib oshxona xo‘jayini qoldi? Ayyor sayohatchilar kimdan boshlab sanaganlar?

Sahifa materiallarini
Madina QAHHOROVA tayyorladi.

Здоровье

Еда под смартфон


Сейчас есть, не отвлекаясь, стало скучно и сложно. Рассказываем, почему гаджеты – не лучшая «компания» за столом.



Человек съедает больше, когда внимание отвлечено. Взаимодействие во время приема пищи с устройствами, у которых есть экран (смартфон, телевизор, ноутбук, планшет, компьютер), – научно доказанный фактор риска развития ожирения, особенно для молодежи.

Во время еды «под телевизор», мозг человека отвлекается и посылает телу неправильные сигналы, не обрабатывает вкус пищи, еда не приносит чувства насыщения, не контролируется объем съеденного. Снижается скорость метаболизма, что приводит к медленному перевариванию и замедлению сжигания жира.

Исследователи из Бирмингемского университета (Великобритания) обнаружили значительную разницу между теми, кто принимает пищу «под гаджеты», и теми, кто ест не отвлекаясь. Выяснилось, что испытуемые, «зависавшие» в телевизоре во время обеда, чуть позже съедали на 19 % больше печенья, чем те, кто ел отвлекаясь.



Исследование, проведенное Университетом Рутгерса (США), показало, что члены семьи, которые едят вместе за столом, более здоровы и с меньшей вероятностью страдают от нежелательной прибавки в весе. Это особенно важно для подростков, подверженных ожирению из-за частых перекусов во время просмотра сериалов.

Иногда родители используют гаджеты, чтобы накормить капризного ребенка. Пока дети заняты просмотром мультика или играми в приложении, они отвлечены настолько, что автоматически открывают рот и съедают всю еду. Проблема в том, что внимание ребенка постоянно сосредоточено на экране. Ему не удается развить чувство вкуса к отдельным продуктам питания, он становится привередливым в еде по мере взросления.

Другая проблема в том, что ребенок, отвлекаясь на мультики, не всегда жует должным образом, а проглатывание непережеванных кусочков может стать причиной удушья или привести к несварению и расстройству желудка.

ПОЛЬЗА РЫБЬЕГО ЖИРА

Рыбий жир – полезный животный жир, который получают из печени и мышц крупных пород рыб, чаще всего трески, сельди, тунца или скумбрии. В его состав входят полиненасыщенные жирные кислоты (ПНЖК) омега-3 и омега-6, витамины А и D, фосфор, йод, магний и кальций.



Все эти элементы очень важны, так как участвуют в строительстве клеток, процессе их регенерации. Рыбий жир необходим для физического и психического здоровья, помогает предотвратить болезни, связанные с разрушением тканей и суставов. При этом наш организм не вырабатывает его самостоятельно, а получает только извне. При недостатке этого вещества может ухудшиться общее состояние организма.



Рыбий жир:
- поддерживает здоровье сердца и сосудов;
- укрепляет иммунитет;
- улучшает память, внимание, мышление;
- укрепляет кости;
- улучшает настроение;
- улучшает зрение;
- нормализует вес;
- улучшает здоровье кожи, волос, ногтей.

ГРАНАТОВЫЙ СОК

Гранат – источник витамина Е – мощного антиоксиданта; витамина К, необходимого для свертывания крови; магния, удерживающего в пределах нормы уровень глюкозы и кровяное давление, других полезных компонентов.

Хороший помощник в борьбе с анемией. Благодаря высокому содержанию железа, способен стимулировать рост гемоглобина и красных кровяных телец – эритроцитов. Повышенное содержание аминокислот в свежевыжатом гранатовом соке позволяет нормализовать жизненно важные процессы в организме человека.



ЛЕЧИМ ПРОСТУДУ



Больше спите – ослабленному организму нужен отдых и полноценный сон. Пейте как можно больше жидкости. Используйте для борьбы с насморком эфирные масла, промывайте нос отварами трав, солевым раствором (обязательно лечить насморк с первого дня заболевания). Ноги держите в тепле. Полощите горло йодо-содовым раствором, ромашкой, раствором фурацилина. Принимайте витамин С для выработки интерферона. Питайтесь правильно. Откажитесь от жирной и тяжелой пищи.

Не забудьте проконсультироваться с врачом.

Бир жиноят изидан

ЎН ЕТТИНЧИ «КОНВОЙ»

Фарғона. 2021 йил 11 март. Ҳамма иш хамирдан қил суғургандек кечди. «Донор»лар етказиб берган гашиш мижозга етказиб берилгач, Олим (исмлар ўзгартирилди) мўмайгина даромадга эга бўлди. Бу орада унга яна бир шахс алоқага чиқди. У кучли таъсир қилувчи таблеткалар етказиб берадиган бўлди. Боз устига, Сирдарёдан янги мижозлар топилиб қолди. Жияни Азиз ўша ерда истиқомат қилар, даромадни бўлишиш эвазига гашиш ва психотроп таблеткаларни сотиб беришга рози бўлганди.

Сирдарё тумани. 2022 йил 19 февраль. Туман ИИБда бўлиб ўтган йиғилишда айрим маҳаллаларда ёшлар ўртасида гиёҳвандликка оид сигналлар кўпаяётгани муҳокама қилинди. Арқонни узунроқ ташлаш зарурлиги айтилди. Гиёҳвандлик моддаларининг манбаини, гиёҳфурушлик билан шуғулланаётганларни аниқлаш зарур эди.

… Қишнинг сўнгги кунлари эди. Бу бебош ёшлар нашани қаердан олаяпти экан? Профилактика инспектори, капитан Умид Орзиев маҳаллани айланиб юраркан, шу ҳақда ўйларди. Кеча маҳалладаги тўйхонада муштлашув бўлган, маст-аласт йигитлар қуда томондан келганлар билан тортишиб қолишганди. Умид қўшимча куч чақириб, безориларнинг ҳаммасини бўлимга олиб боришга муваффақ бўлди. Уларга маъмурий иш қўзғатилди. Эрталабдан эса бошлиқ телефон орқали бангилар тўдасининг изига тушиш кераклигини тайинлаб, ёрдамга жиноят қидирув гуруҳи ходимларини юборди.

Ўша куни иш қизиди. Маишатга муккасидан кетган йигитлар кузатилди. Уларнинг алоқалари, борди-келдиси, машғулотига аниқлик киритилди. Улар орасида Азиз Мўйсинов ҳаммадан ажралиб турарди. Савдо-сотиқ қиламан, деб ҳаммага айтиб юрадиган бу йигитнинг аслида қиладиган ишининг тайини йўқлиги маълум бўлди. Қизиқ, у маишат учун пулни қаердан топаётган экан?

* * *

Бешариқ. 2022 йил 14 март. Олим «Спарк» автомашинасининг ойнасини қия тушириб, йўл четида тўхтаб турарди. Бу пайтда чегарадан «юк»ни ўтказиб келиш осон кечмаётганди. Ниҳоят, кун кеч бўлганида «мол» етиб келди. «Нексия»дан тушган икки барваста йигит қутидаги таблеткалар, целлофан пакетдаги гашишни Олимга кўрсатишди. Олим одатига кўра гашишни ҳидлаб кўрди. Пулларни санаб бергач, шу заҳоти Сирдарёга қараб йўлга чиқди.

Бу вақтда Бахт шаҳрида ички ишлар органлари ходимлари гиёҳвандлик воситалари олди-сотдиси билан шуғулланадиган жиноий гуруҳнинг изидан тушганди. Хусусан, кузатувдаги «Спарк» машинаси Фарғонадан довон орқали бу томонга келаётгани аниқланди. ЙПХ масканларига хабар берилиб, бангилик воситалари олди-сотдисини охирги манзилгача аниқлаш учун ҳозирча уни қўлга олмаслик буюрилди. Шундай қилинди ҳам.

Ярим тунда Сирдарёга етиб келган «Спарк» Азизнинг хонадонига кириб келди. Эртасига соат ўнларда улар «Адолат» маҳалласига бориб, «юк»ни харидорларга топширишгани аниқланди. Иш тобора пишиб борарди. Гиёҳвандлик воситаларини сотувчилар, истеъмол қилувчиларнинг барчаси тўла аниқланди.

* * *

Қўқон. 2022 йил 19 сентябрь. Олимнинг ишлари «беш». Анчагина бойлик орттирди. Ўзича «Бахт сурури» деб ном қўйган гашиш, психотроп таблеткалар харидорларининг бутун бошли тармоғини яратди. Нашанинг янги манбаларини топди. Уларни яширинча олар, тарозидан ўтказиб, гугурт қутисига жойлар, мижозларга етказиб берарди. Бугун яна Сирдарёга йўл олаяпти. У ҳар бир олди-сотдини ўзича «конвой» деб атар, савдо муваффақиятли тугагач, «конвой манзилда» деб таъминотчиларига хабар берарди. Ҳар бир «конвой»ни ўзича санаб борарди. Бу гал ўн еттинчи «конвой» эгаларига етказиб берилиши керак.

* * *

Сайхунобод тумани. Ўша кун. Тезкор гуруҳ «Сайхун» блок-постида жамланди. Куз қуёши тобора қиздирар, кутилаётган «Спарк» кўринавермасди. Ҳамма бетоқат бўла бошлади. «Мижоз» ҳид олдимикан? Рулни бошқа томонга бурган бўлса-я?.. Тушдан кейин соат тўртларда кутилган машина пайдо бўлди. Келишилганидек, ЙПХ ходими уни тўхтатди. Шофёр машинадан тушмади. Тезкор ходимлар яқинлаша бошлади. Машинада кутиб турган ходимлар «Спарк»нинг ортига келиб тўхтади. «Йўл таъмирловчилар» операцияни бошлаб берди. Бу орада ичкаридан чиққан ходимлар шлагбаумни ёпишди. Пихини ёрган Олим «Спарк»-ни юргизиб қочишга уринди. Лекин уч метр ҳам юрмасдан тўхтатилди.

Ўша куни Сирдарё туманидаги йўл четида ўзининг «Нексия» машинасида «юк»ни кутиб турган Азиз Мўйсинов ашёвий далил билан қўлга олинди. Сал кейинроқ «Адолат» маҳалласида жиноий тўданинг яна бир аъзоси Нўъмон Ҳакимов ҳам қўлга тушди. Шу тариқа гиёҳвандлик воситалари олди-сотдиси билан шуғулланган гуруҳнинг жиноий фаолиятига барҳам берилди…

Абдураҳмон МУСТАФОҚУЛОВ,
«Postda» мухбири.
Сирдарё вилояти.

ИИВ Малака ошириш институти раҳбарияти ва шахсий таркиби махсус касбий фанлар кафедраси катта ўқитувчиси, подполковник Аъзамжон Воҳидовга отаси

Саиджон ВОҲИДОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик изҳор этади.

Биласизми?

Шифохонадан ташқарида туғилган, 16 ёшдан ошган боланинг туғилганлигини қайд этиш суднинг ҳал қилув қарори асосида амалга оширилади.

Бола 16 ёш ва ундан катта бўлса ва унга нисбатан тиббиёт муассасаси томонидан расмийлаштирилган туғилганлик ҳақидаги тиббий маълумотнома мавжуд бўлса, унинг туғилиши ота-она ёки улардан бири ва вояга етган боланинг аризасига кўра қайд этилади.

* * *

Ҳайдовчига аҳоли пунктларида транспорт воситаларининг магнитофон ва овоз чиқарувчи бошқа аппаратураларини ҳамда двигатель шовқинини белгиланган меъёрдан баланд овозда қилиб фойдаланиш тақиқланади.

* * *

Поездларнинг вагонлари, автотранспортлар ва шаҳар йўловчилар транспортидан ахлат ёки бошқа нарсаларни ташлаб юбориш – БҲМнинг иккидан бир қисми (150 минг сўм) миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

* * *

Кекса, ўзгалар парваришига муҳтож ва ногиронлиги бўлган шахсга хорижга чиқиш биометрик паспортини расмийлаштириш ва бериш тегишли мурожаат асосида белгиланган тартибда ушбу шахсларнинг доимий яшаш ёки турган жойига чиқиш орқали амалга оширилади.

* * *

ЙПХ ходимларининг патруль автомобилларида ўрнатилган радарларни ўзбошимчалик билан ечиб олиб, хизматга алоқаси бўлмаган бошқа шахсларнинг транспорт воситаларига ўрнатиши қатъиян тақиқланади.

Шунингдек, хизматни ўташга алоқаси бўлмаган фуқароларни ушбу мақсадларда жалб қилиш ҳам мумкин эмас.


Мазкур талабга риоя этилмаган ҳолда расмийлаштирилган баённомалар юридик кучга эга бўлмайди ва ҳуқуқий оқибатлар келтириб чиқармайди.

@huquqiyaxborot.

Рекомендовано к чтению

«ОТЕЛЛО» – ВЕЛИКОЕ ПРОИЗВЕДЕНИЕ УИЛЬЯМА ШЕКСПИРА

Уильям Шекспир (1564–1616) – всемирно известный драматург, поэт и писатель, биография которого содержит много тайн и загадок. Его произведения переведены на разные языки мира.




Не сохранилась точная дата появления на свет будущего талантливого писателя. Считают, что автор «Гамлета», «Ромео и Джульетты», «Отелло» и других пьес родился в апреле 1564 года. Его детство прошло в многодетной состоятельной семье, он был третьим ребенком среди семи братьев и сестер.

Исследователи жизни и творчества Шекспира предполагают, что образование он получил сначала в грамматической школе Стратфорда, а потом – в школе короля Эдуарда VI. В восемнадцатилетнем возрасте женился на девушке по имени Энн, в семье писателя родились трое детей. В 20 лет Шекспир перебрался в Лондон. Чтобы заработать деньги, соглашался на любую работу. Стал трудиться в театре разнорабочим. Затем ему доверили играть небольшие роли. Годами позже на сцене театра стали ставить его пьесы.

Со временем Шекспир стал совладельцем труппы, называвшейся «Слуги короля». Позже театр получил название «Глобус».

Первая книга Шекспира была издана в 1594 году. Она принесла ему успех и признание. Несмотря на это, писатель продолжал работу в театре.

Литературное творчество Шекспира можно условно разделить на четыре периода. На раннем этапе он создавал комедии и поэмы. В это время им были написаны «Два веронца», «Укрощение строптивой», «Комедия ошибок». Позже появились романтические пьесы «Сон в летнюю ночь», «Венецианский купец». Самые глубокие, философские произведения – «Гамлет», «Отелло», «Король Лир» родились в третьем периоде его творчества. Последние произведения мастера характеризуются отточенным слогом и изящным поэтическим мастерством. «Антоний и Клеопатра», «Кориолан» являются вершиной поэтического искусства. Как говорил известный поэт Томас Элиот, пьесы Шекспира всегда будут современными.



«Отелло» – трагедия, написанная около 1603 года. Действие происходит во время венецианско-турецкой войны (1570-1573) за контроль над островом Кипром, с 1489 г. принадлежавшим Венецианской республике. В 1571 г. после длительной осады портовый город Фамагуста перешел под контроль турков. Сюжет разворачивается вокруг двух персонажей: Отелло и Яго.

Отелло – мавританский офицер, служит в чине генерала в венецианской армии в ходе вторжения Турции на Кипр. Незадолго до описываемых событий он вступил в брак с привлекательной и состоятельной венецианской дамой, Дездемоной, вопреки запрету ее отца. Избранница намного моложе Отелло. Яго – недоброжелательный поручик Отелло подливает масло в огонь ревности своего начальника. В итоге, потеряв хладнокровие, Отелло убивает возлюбленную в порыве слепой ярости.

«Отелло» по-прежнему является популярной и часто экранизируемой пьесой вследствие раскрытия не теряющих актуальности тем страсти, ревности и розни.

Георгий ПЕТРОСЯН,
корреспондент
«На посту».

ГОРОСКОП НА НЕДЕЛЮ
(с 3 октября по 9 октября)



Овен. Необходимо уделить внимание здоровью, поскольку сейчас возможно развитие инфекционных воспалительных процессов. Будьте осмотрительнее с лекарствами, не перепутайте таблетки и не ошибитесь в дозировке. На выходные нежелательно отправляться в путешествия.



Телец. Благоприятный период для наведения идеального порядка в доме. Подумайте о перестановке мебели. В процессе благоустройства жилища вы будете находить радость и удовлетворение. Возможно, это будет связано с улучшением отношений с членами семьи, которые будут активно вам помогать.



Близнецы. Будет приходить много полезной и интересной информации. В середине недели возможно напряжение и непонимание в семейных отношениях. Одна из причин этого – ваша работа. Если не разобраться с данным вопросом, то напряжение будет копиться и выльется в открытый конфликт.



Рак. Улучшится финансовое положение. Полученных денег будет достаточно, чтобы сделать несколько важных покупок для семьи и дома. Подойдите к тратам грамотно и разумно. В конце недели уделите внимание здоровью, возможны вирусные инфекции и воспалительные заболевания.



Лев. Будете довольны собой и отношениями с окружающими. Благоприятное время для новых знакомств и поездок. Однако есть риск стать жертвой обмана или мошенничества, держите деньги в надежном месте. В конце недели больше внимания уделяйте воспитанию детей.



Дева. Усиливается потребность в спокойном, уединенном образе жизни. Если есть место, где вас никто не будет тревожить, самое время отправиться туда и осмыслить события последних дней. В конце недели придется много сил и времени уделять семейным делам и заботам.



Весы. Вы способны трезво оценивать себя и свои возможности, ваши планы будут отличаться реалистичностью. Особое внимание рекомендуется уделить здоровью. Болезни могут подкрасться незаметно, будьте бдительны. В конце недели лучше не ездить на личном транспорте.



Скорпион. Можете рассчитывать на покровительство влиятельного человека, который предпочтет остаться в тени. Будет оказана поддержка в любом деле, которому вы посвятили много времени. Не стоит доверять друзьям секреты: вас могут подвести. В конце недели не совершайте крупных покупок.



Стрелец. Вам могут предложить новую работу. Не торопитесь соглашаться, подумайте, не повредит ли это вашим семейным отношениям. В конце недели, скорее всего, захочется самостоятельности. Ради этого вы будете готовы пойти на конфликт с членами семьи, родителями и близкими людьми.



Козерог. Удачное время для решительного избавления от вредных привычек. Воздержитесь от дальних поездок и знакомств: вас могут обмануть. В конце недели старайтесь не оставаться в одиночестве и по возможности избегайте любых стрессов, берегите здоровье.



Водолей. Бережнее относитесь к своим деньгам, усильте меры безопасности, поскольку возрастает риск кражи. Не стоит сейчас никому давать в долг. В конце недели желательно отложить тренировки в тренажерном зале: слишком велик риск травматизма.



Рыбы. Если вы считаете, что неэффективно расходуете время, подумайте, что именно следует изменить. Возможно, имеет смысл по-другому спланировать периоды сна и еды. На этой неделе не стоит добиваться продвижения в карьере. Возможно, вы прикладываете свои усилия не в той сфере жизни.

Маънавият маршрутлари

АМИР ТЕМУР ДАРВОЗАСИ

ёхуд улуғлар қадами етган замин

Жиззах вилоятида ўзига хос тарихий аҳамиятга эга манзиллар, осори атиқалар талайгина. Амир Темур дарвозаси ана шундай манзиллардан, айтиш мумкинки, ўзига хос тимсоллардан биридир.

Бу ерда Амир Темур номи билан юритиладиган ғор ҳам бор. Худди шундай, тошда араб алифбосидаги битик мавжуд. Уни чериклари билан ҳарбий юришдан қайтаётган Мирзо Улуғбек ёздирган. Тошда темурий ҳукмдор бошчилигида ўтган жанглардан бирининг қисқача тафсилоти баён қилинган.





Амир Темур дарвозаси номи ҳудудда соҳибқирон қўшинларининг қоровул пости бўлгани, шунингдек, ҳарбий юришлари давомида амир аскарлари билан айни манзилда қўним топганлиги билан изоҳланади. Жиззахликлар бу жойни Илонўтди, деб ҳам атайдилар. Айтишларича, ўтмишда бир неча чақиримга чўзилган илонлар галаси шу дара орқали кўчган экан.

Илло, дара, дарё, яланғоч қояли тикликлар, тоғ бағрини қоплаган ўтўланлар ва боғлар билан ўранган қишлоқларни уйғунлаштирган ажиб кўриниш кўнгилларда соҳир ҳисларни уйғотади. Икки тоғ оралиғидан йил давомида эсиб тинмайдиган еллар ёзнинг жазирамасида кишининг жисму жонига ором бағишласа, қишнинг қаҳратон кунларида қалинроқ кийинишга, ўраниб-чирманишга мажбур қилади.

Манзилнинг жилвакор ва гўзал табиати ҳар қандай юртдошимиз ҳамда сайёҳларни дарада бир зум тўхтаб ўтишга ундайди, гўёки имлаб ўз бағрига чорлайди. Шунинг учун ҳам Амир Темур ғорига ёндаш ҳудудда меҳмонхона ва овқатланиш шохобчаларини ўз ичига олган мажмуа барпо қилинди.

Айтганча, бу ерда маҳаллий аҳоли вакиллари, айниқса кўпни кўрган қариялар сизга Амир Темур дарвозаси ва ғори ҳақида кўплаб ҳикояту ривоятлар сўзлаб беришади. Ҳикоячининг маҳорати таъсирида беихтиёр кўз ўнгингизда улкан қўшин, унинг енгилмас ва доно етакчиси жонланади. Навбатдаги ғалабали юришдан қайтаётган навкарларнинг Амир Темур дарвозасини кўрганларида кўнгилларидан не ўтганлигини ҳам туйгандек бўласиз: «Яна озроқ юрсак, она шаҳримиз Самарқандга етамиз. Оллоҳга беадад шукроналар бўлсинки, омонмиз, юртга зафар билан қайтяпмиз!» Ҳа, улуғлар қадами етган замин мангуликка дахлдор.

Шу ўринда яна бир маълумот: дарадаги темирйўл 1886 йилда қурилган. Ўша пайтларда буғ двигателли поездлар хизматидан фойдаланилган бўлса, ҳозирда бу йўллардан тезюрар «Афросиёб» поездлари гўёки учиб ўтади. Хуллас, асрий кўринишларини сақлаб қолган Амир Темур дарвозаси шонли ўтмишимизга, лаҳзаларни қуваётган «Афросиёб» эса бугунги тараққиётимизга ишора қилаётгандек...

Алижон АБДУСАТТОРОВ,
ўз мухбиримиз.
Жиззах вилояти.



Postda
На посту

MUASSIS:
O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI

Bosh muharrir –
polkovnik
Bernora SADIKOVA

Bosh muharrir o‘rinbosarlari –
mayor Azizjon FAYZIYEV
kapitan Aziza BOHODIROVA

Mas’ul kotiblar –
Jahongir SHAROFBOYEV
Erkin SATTOROV

Navbatchilar –
Kapitan Mixli SAFAROV
Radik TUMPAROV

Sahifalovchilar –
Zokir BOLTAYEV
Ilhom JUMANOV

TELEFONLAR:
71-231-33-88;
Faks: 71-231-40-05.

Obuna masalalari bo‘yicha:
71-231-38-74;
97-420-89-24

Web-site: www.postda.uz

E-mail: info@postda.uz

ISSN 2010-5355

Tahririyat
hisob raqami
20210000700447980001.
Bank kodi 01179.
ATB
«Qishloqqurilishbank»ning
Sergeli filiali.
STIR 200637499.

Tahririyatga kelgan qo‘lyozma va suratlar egasiga qaytarilmaydi.

Nashrimizdan ko‘chirib bosilganda manba ko‘rsatilishi shart.

Gazeta tahririyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

«O‘zbekiston» nashriyot-matbaa ijodiy uyi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili:
Alisher Navoiy ko‘chasi 30-uy.

Gazeta O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligi tomonidan 2020-yil 13-yanvarda 0120-raqam bilan ro‘yxatga olingan.
Buyurtma №V-5289.
Bosilish – ofset usulida.
Bichimi – A3. Hajmi – 6 bosma taboq. 51474 nusxada chop etildi.
Obuna raqamlari:
Yakka tartibda – 180.
Tashkilotlar uchun – 366.
Bosishga topshirish vaqti – 22.00.
Bosishga topshirildi – 21.00.
Sotuvda kelishilgan narxda.

MANZILIMIZ:
100070, Toshkent shahri, Shota Rustaveli 1-berk ko‘chasi 9-uy.